

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT
UNIVERSITETI

HUQUQSHUNOSLIK FAKULTETI

«DAVLAT HUQUQI» KAFEDRASI

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

MAVZU: IJRO HOKIMIYATI FAOLIYATI YUZASIDAN
JAMOATCHILIK NAZORATI.

Ilmiy rahbar: ass.Aripov SH.

Bajaruvchi: Ikromov M.

SAMARQAND – 2012

**МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК СИЁСАТ МАСАЛАСИ
МУНДАРИЖА**

КИРИШ

**I БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ.**

1.1. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”
концептуал тамойил ва унинг моҳияти.

1.2. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлатнинг
бош ислохотчилик ўрни.

**II БОБ. ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ
ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК**

2.1. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг
тушунчаси, асосий йўналишлари ва шакллари.

2.2. Табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий иқтисодий
асослари.

2.3. Экология ҳуқуқи манбаларининг тушунчаси,
хусусиятлари ва тизими.

2.4. Экология ҳуқуқининг конституциявий асослари.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

«Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Бунни сезмаслик, кўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир».

Ислон Каримов

КИРИШ.

Экология муаммоси давримизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди. Унинг хавфи ҳатто ядро хавф-хатаридан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, бутун ер шари халқларини ташвишга солмоқда. "Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси,- деб ёзади И.А.Каримов,- жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш - ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир"¹.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, бугунги кунда планетамизда ҳар хил ёқилғиларни ёқиш сабабли ҳар йили 10,1 млрд.тонна кислород сарф бўлмоқда, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 70 фоизи, чучук сувларнинг 20 фоизи ўзлаштирилиб фойдаланилмоқда, ўрмонлар эгаллаган майдонлар йилдан-йилга камайиб бормоқда, чўл зоналарининг майдони ошиб бормоқда, ҳаво ҳарорати йилдан-йилга кўтарилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси ҳар йили ўсиб бориб, табиий заҳиралардан хўжалик мақсадларида янада кўпроқ фойдаланишга тўғри келмоқда. Шунингдек техниканинг, саноат корхоналарининг ривожланиши ҳам атроф-табиий муҳитга жиддий зарар етказмоқда. Буларнинг оқибати ўлароқ дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли хил касалликлар келиб чиқмоқда. Планетанинг тақдири учун инсон томонидан ўтган асрдаёқ бонг урилган, ҳозирги юз йилликда эса атроф-табиий муҳитга бўлган эҳтиёжни ортиб кетиши натижасида дунё экологик тизими инқироз даражасига етди. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш, табиий ресурсларни ишдан чиқариш, экотизимдаги экологик алоқаларни бузиш глобал муаммо бўлиб қолди. Агар инсоният ҳозирги тараққиёт йўлидан боришни давом эттирса, унинг ҳалокати икки-уч авлод яшаб ўтгандан сўнг юз бериши эҳтимолдан холи эмас. "Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999, 505-бет.

мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажак кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир"².

Маълумотлар шундан далолат берадики, табиат билан жамият бири-бири билан ўзаро узвий алоқа, чамбарчас боғлиқликда бўлади. Бу узвийлик, ўзаро таъсир табиатнинг умумий қонуниятларига мос келиши, ўзаро тенг мувозанатда бўлишликни талаб этади. Акс ҳолда бу мувозанатнинг бузилиши салбий ҳолатларни келтириб чиқариб, тирик мавжудотнинг яшашига хавф солади. Шу сабабдан, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ундан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза этиш лозимдир. Табиат объектларидан фойдаланишда шундай воситаларни топиш, уларни қонунларда ўрнатиш, амалиётда қўллаш лозимки, бу бир томондан, хўжалик фаолияти тараққиётини таъмин этсин, иккинчи томондан, табиатни муҳофаза қилиш муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилсин. Шунга айтиш керакки, табиатни муҳофаза қилиш баҳонасида ишлаб чиқариш манфаатларига жиддий зарар етказишга ҳам йўл қўйиш яхши ҳолат эмас. Шунингдек иқтисодни ривожлантириш учун табиий ресурслардан интенсив фойдаланишга кенг йўл очиб бериш, иқтисодиёт ва экология манфаатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам мумкин эмас. Саноатни, қишлоқ хўжалигини бошқа соҳаларни табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш вазифаларини ҳал этиш асосида тараққий эттиришни таъминлаш лозим. Муаммони шундай тартибда ҳал этиш керакки, бунда биринчидан, табиий ресурслардан фойдаланишда экологиянинг ҳам, иқтисоднинг ҳам манфаатлари ҳисобга олинсин, иккинчидан, уларнинг узвийлигини таъминлаш мумкин бўлмаса, устуворлик экологияга берилиши керак. Ҳудди шундай принцип Ўзбекистон давлати олиб бораётган экологик сиёсатда, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган табиий атроф муҳитни муҳофаза этишга бағишланган қонунларда ўз ифодасини топган. Бунинг юридик ифодаси сифатида экологик экспертизани, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда экологик талабларни,

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 507-508-бетлар.

экологик талабларга жавоб бермайдиган корхоналар ва объектларни фойдаланишга киритиш ман қилинишини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон давлатининг атроф-табiiй муҳитни соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича амалга ошираётган ишларига қарамасдан экологик муносабатлар ҳали ҳам табиат ва жамият учун номутаносиб даражада ривожланишни давом эттирмоқда. Буни биз, биринчидан, табиатдан фойдаланишда соҳавий ёндашишни, яъни ҳар бир ташкилот фақат ўз манфаатини устун қўйиб табиий ресурслардан фойдаланиши ва, иккинчидан, табиатга фақат ресурс сифатида қарашни, яъни табиатдан фойдаланиш биринчи даражали, уни ҳимоя этиш эса иккинчи даражали сифатда қарашда кўраимиз.

Табиатни муҳофаза этиш турли хил восита ва усуллар ёрдамида амалга оширилади. Шулардан энг муҳими - табиатни ҳуқуқий муҳофаза этишдир, яъни табиатни қонунлар ёрдамида ифлосланишдан, хўжасизларча фойдаланишдан, захарланишдан ҳимоя қилишдир. Демак, табиатни муҳофаза қилишда ҳуқуқ алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у юридик ва жисмоний шахсларга табиатдан оқилона фойдаланиш ҳамда муҳофаза этиш тартиб қоидаларини белгилаб беради. Ҳаракатдаги табиатни муҳофаза қилишга бағишланган қонунлардаги экологик талабларга риоя этилишини, уларни амалиётда тўғри тадбиқ қилинишини таъминлашда экология қонунчилигини мукамал билиш зарур бўлади. Чунки, экологик ноҳушликлар кўпинча ушбу қонунларни билмаслик ҳамда уларга риоя этмаслик оқибатида келиб чиқади. Шу сабабдан, соғлом табиий атроф муҳитни сақлаш кўп жиҳатдан мансабдор шахслар ва фуқароларнинг экология қонунчилиги тўғрисида қай даражада хабардорлиги ва унга амалда риоя этишлигига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим масалалардан бири глобал миқёсда инсон хавфсизлиги, хусусан, унинг бир элементи бўлмиш экологик хавфсизликни таъминлашдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср

бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида: «Биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етаяпмизми? Хавфсизликка таҳдид солиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз?.. биз истиқомат қилаётган минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанатнинг сақланишига нималар кафолат бўла олади. Хавфсизликни қандай сақпаб қолиш мумкин?» каби саволлар долзарб муаммолар сифатида кун тартибига қўйилган.

Замонамизда экология табиат тизимида организмлар, жумладан, кишилар ва уларнинг атроф муҳит билан муносабатларига доир тушунча, воқелик, ходиса ва жараёнларни тадқиқ қилувчи фан тармоғи, уларга оид билимларни берувчи таълим йўналиши ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни оптималлаштирувчи соҳага айланган. Экологик хавфсизлик эса, жотизимларнинг, яъни организмлар яшайдиган табиий муҳитнинг абиотик, биотик ва антропоген омиллар таъсирида, турли кўлам ҳамдатезликда юзага келувчи салбий ҳолатлардан ва уларнинг давомийлигидан сақланганлик ҳолатидир.

Экологик хавфсизлик миллий хавфсизликнинг асосий бўғини сифатида қаралар экан, у кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ўз таъсир доирасига олади. Зеро, организмлар ва, айниқса, кишилик жамияти яшар ва ривожланар экан, унинг фаолияти муқаррар равишда атроф табиат билан бевосита ёинки билвосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам юртбошимизнинг табиат унсурлари ёки мажмуаларига қарата айтилган ҳар бир сўзлари экологик ҳолат ва экотизимлар хавфсизлигига бориб тақалади.

Экологик хавфсизлик мамлакатимизда ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб, у республика Конституциясида ҳам қайд этилган. Асосий Қонунимизда: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»,— деб таъкидланган. Бинобарин, экологик хавфсизликни нафақат маҳаллий, балки миллий,

минтақавий ва глобал миқёсда таъминлашга ҳар бир киши ҳисса қўшмоғи керак.

Президент Ислон Каримов ҳам Республикамизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, бой табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат мажмуаларимизни қайта тиклашга эътибор қаратиб келмоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Президентимизнинг кейинги 20 йил мобайнидаги нутқлари ва маърузалари билан танишиб чиқишнинг ўзи кифоя. Гўзал шаҳар ва қишлоқларимиздаги ижобий экологик ўзгаришлар бунинг амалий ифодасидир.

Экологик хавфсизлик миллий хавфсизликнинг муҳим кўрсаткичларидан бири. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида Конституциямиз билан бир пайтда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани бежиз эмас. Чунки мустақил давлат белгиларидан бири — дахлсиз чегаралар билан белгиланган ер кенгликларига эга бўлиш ва ундаги барча табиий бойликларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан ўз халқининг хоҳиш-иродасига мувофиқ равишда фойдаланишдир.

Турли анжуман, йиғилиш ва учрашувларда экологик инқироз тўғрисида сўз юритилганда, мисол тариқасида ўз-ўзидан Орол фожиаси келтирилади ёки эсга олинади. Орол фожиаси миллий ёхуд минтақавий муаммо эмас, балки глобал фалокат эканлиги ҳақида Президент Ислон Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48, 50, 55-сессиялари минбаридан туриб гапирган эди.

Экологик муаммонинг миллий хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа барча муаммолардан фарқи унинг «яширин» тарзда кечиши ва миллий-маъмурий чегараларга бўйсунмаслигидадир. Ўзбекистондаги салбий экологик ҳолат бугун ёки эртага бутун Марказий Осиёга ёхуд сайёрамизнинг экологик ҳолатига таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам Президент Ислон Каримовнинг кўпгина асарларида экологик муаммоларга бевосита ёки билвосита тўхтаб ўтилган.

I БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ.

1.1. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал тамойил ва унинг моҳияти

Ўтган асрнинг 80 йиллар охири — 90 йиллар бошида тоталитар тузумдан эндигина халос бўлган, ўз мустақиллигини кўлга киритган Ўзбекистонда янги жамият ва давлатни бунёд этиш ислохотларининг жаҳон тажрибасининг қандай йўлидан бориши ҳали аниқ ва равшан эмас эди. Лекин, мамлакат ривожининг бош йўли танланди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Президент И.А. Каримов қуйидаги мақсадни илгари сурди: "Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир... Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак"¹.

Халқимиз тарихи, дунёқараши, маънавияти, миллий манфаатлари ва миллий анъаналарини чуқур англаган мамлакат Президенти И.А. Каримов Мустақил Ўзбекистон халқининг манфаатлари ва орзуистакларидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти ва демократик принципларни ўзида мужассам этган сиёсий тизимни ташкил этишга қодир бўлган Конституция қабул қилишга бошчилик қилди.

Республикада фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куришнинг сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлари қисқа муддатларда янги Конституция ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топди. Натижада фуқаролик жамиятини шакллантириш! учун ҳуқуқий асослар туғилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш иелохотлари энг мураккаб ва машаққатли синовларни кутмоқда эди. Чунки, мамлакатда эскидан мерос бўлиб қолган давлатчилик анъаналари ва тоталитар жамият асоратлари ҳали сақланмоқда эди. Шунингдек, халқнинг

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисоё, сиёсат. мафкура. Т. 1. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 44—45-бетлар.

хам ҳали янги жамият қуриш ва уни ташкил этишга доир тажрибаси кам, руҳияти ва сиёсий маданияти эса фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлардан анча узоқ эди. Ана шундай шароитда Президент И.А. Каримов томонидан Ўзбекистонда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатларига ўтиш даврининг назарий асослари ишлаб чиқилди. Албатта, улар мамлакат тарихий ривожланиш анъаналари, демократик принциплар ва халқ дунёқараши, қолаверса, мамлакат миллий манфаатларини ўзида ифода этар эди.

XX асрнинг 80йиллари охирига келиб, Ўзбекистон ҳали ўз Миллий Мустақиллигини эълон қилмаган бир пайтда фуқаролик жамиятини қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар рўй бера бошлаган эди. Республика раҳбариятининг жамиятда кўппартиявийлик тизимини жорий этиш, давлат ва ҳукуматдан мустақил бўлган жамоат бирлашмалари тузулмаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шартшароитлар яратишга бўлган интилиши кучайган эди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришнинг асосий кафолати, яъни уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадларида 1991 йилнинг 15 феврида Ўзбекистон Олий Кенгаши "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонунни қабул қилди. Мазкур қонун республикада фаолият юритиб келаётган жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга, уларни собиқ яккаҳоким мафкурадан покланишига, шунингдек, жамоат бирлашмалари тизилмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқуқий шартшароитлар яратиб берди. Республика ижтимоийсиёсий ҳаётида биринчи марта мазкур қонунда жамоат бирлашмаларининг мақсадлари халқаро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилди: "Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқий ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳймоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини,

давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш..."¹ мақсадларида тузилади.

Мамлакат тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари — жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларнинг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди. Бу ҳолат фуқаролик жамиятига хос белгилардан бири эди. Қонунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралashiш, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Бу даврдаги муҳим воқеликлардан бири — Президент И.А. Каримов томонидан Ўзбекистонда ўтиш даври учун давлат қурилиши, бозор иқтисодиётини шакллантириш, умуман, жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнларини бешта асосий қоидалар асосида амалга ошириш концепциясининг ишлаб чиқилиши бўлди. Бу бешта асосий қоидаларнинг моҳияти қуйидагича ифодаланди:

биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур;

иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт;

учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4сон. — Т.: Адолат, 1993. 155бет.

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги "инқилобий сакрашлар"сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичмабосқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимиЗга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади"¹.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти барпо этишга доир ислохотларни ривожланган демократик мамлакатлар ва халқаро ҳамжамиятлар тажрибасидаги демократик қадриятлар асосида амалга оширишга муҳим аҳамият берилди. Чунки, демократик қадриятлар нафақат халқаро тажриба ва синовлардан ўтганлиги, балки ўзбек халқининг миллий манфаатларига мос келганлиги учун ҳам ислохотлар жараёнларига татбиқ этила бошланди. Мамлакатда фуқаролик жамияти учун муҳим бўлган демократик қадриятларни Президент И.А. Каримов қуйидагича баҳолаган эди: "Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиширодасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради"².

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 300—301-бетлар.

² И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсийижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 8 бет.

Шу билан бирга, Президент И.А.Каримовнинг қарашича, фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти ҳар бир мамлакат миллий қадриятлари, халқнинг миллий менталитети ва миллий анъаналарини ўзида ифодалаш зарур. Бу шунинг учун ҳам зарурки, фуқаролик жамияти барпо этишда ҳар бир халқ ўз миллий манфаатларини ифода этилишини ҳам англаши лозим. Бу каби ҳолатга эга бўлиш учун миллийлик янги жамият мазмуни ва шаклу шамойили билан уйғунлашиши лозим. Ўзбекистон эса бошқа мамлакатларга нисбатан адолатли ва халқчил жамият барпо этишга доир миллий мерос ва қадриятларга бойлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, мамлакатда янги жамият қуриш ислоҳотлари инқилобий йўлни ҳам қабул қилмайди. Чунки, бу йўл ўзининг вайронагарчилиги, миллионлаб аҳолининг ижтимоий аҳволи пасайиб кетиши, жамиятни қутблашган томон ларга бўлиниб кетиши каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам давлат томонидан фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон мамлакати учун ўзига хос қуйидаги жиҳати илгари сурилди; "Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни, Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва астасекин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам "ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли" деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди..."¹.

Шу билан бирга, Юртбошимизнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир назарий қарашлари ривожланган мамлакатларда амалга оширилган демократик тамойиллар асосидаги тажрибаларга ҳамоҳанг тарзда ривожланди. У фуқаролик жамиятининг асосини ўзини ўзи бошқариш органларини ўзига муносиб ваколатлар билан таъминлашда, деб билди.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсийижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 9-бет.

Шунингдек, Президент И.А. Каримов Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг яшашини таъминлайдиган асосий шартшароитлардан бири, бу — давлат ҳокимияти ваколатларини чегаралаш, фуқаролик жамияти институтларига жамиятда ўзини ўзи бошқариш учун қанчалик зарур бўлса, шунчалик етарли ваколатлар бериш эканлиги масаласини илгари сурди. Президент фуқаролик жамиятининг яшаш қобилияти фуқароларнинг сиёсий жараёнларда нечоғлиқ иштирок этишлари билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам чуқур англаб етган эди.

Президент И. А. Каримов давлат ваколатларини жамият институтларига бериш асосида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадида қуйидаги вазифани қўйди: "Аммо ҳақиқий миллий раванққа биз фақат давлат ҳокимияти вазифаларини қатъий ва мукаммал белгилаб ва шу билан бирга чекланиб қўйилган фуқаролик жамияти шароитидагина эришмоғимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади... Ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, ҳақиқий демократик кадриятларни вужудга келтириш — бизнинг бош концепциямиз ва миллий раванқимиз асосидир".

Мамлакат Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишга доир назарий қарашлари унинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида ўзтақомилига етганини кузатиш мумкин. Бу асарда фуқаролик жамиятининг энг асосий институтлари Ўзбекистон мамлақати шартшароитлари, миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда талқин этилади. Шунингдек, бу асарда янги жамият қуриш муаммолари "шахс — жамият — давлат" ўзаро уйғунлиги асосида таҳлил этилади. Муҳими, давлатнинг шахс ва жамият манфаатлари асосида фаолият юритадиган сиёсий институт эканлиги, бу институтнинг доимо жамиятнинг ривожланиши ва унинг ижтимоийиқтисодий жиҳатлардан фароюн бўлиши

хамда барқарорлиги учун масъуллигини ошириб бориш зарурлиги асосланади.

Шунингдек, асарда фуқаролик жамиятини инсон эркинлиги ва ҳуқуқларининг энг асосий ҳимоячиси эканлигига ҳам муҳим эътибор берилади. Асардаги қуйидаги фикрлар фуқаролик жамиятининг янги кирраларини очиб беради: "Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бирбирини тўлдиради ва бирбирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт"¹. Шу билан бирга, Юртбоши фуқаролик жамиятининг давлат органлари, фуқароларнинг мансабдор шахслар устидан назорат ўрнатишлари, уларнинг фуқаролар олдидаги масъулиятини ошириш масалаларига муҳим эътибор қаратди. Айниқса, фуқароларнинг ижтимоийсиёсий фаоллиги, уларнинг давлат органлари фаолиятдан хабардорлиги, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги кенг иштироки фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири эканлиги каби қоидалар илгари сурилди. Албатта, бу назарий қарашлардаги илмий талқинлар нафақат жамиятнинг, балки давлатнинг кучли ва самарали фаолият кўрсата олиш қобилиятини ошириш билан уйғунликда амалга ошириладиги, ундаги асосий ғоялар инсон эркинлигини таъминлаш мақсадларида унинг ўзини фаол ва омилкор бўлишга ундайди: "Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум.

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 151-бет.

Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиши, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидага ўз масъулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур"¹.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокини амалга ошириш билан узвий равишда боғлиқ ҳолда кеча бошлади. Айниқса, янги жамият халқ томонидан демократик кадриятларни ўз сиёсий маданиятига сингдириб боришига ҳамоҳанг тарзда ривожланиб боришини эътироф этгани ҳолда куйидаги фикрларни билдиради: "Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир".

Шунингдек, Юртбошимиз фуқаролик жамиятининг ривожланишида ва унинг барқарорлигини таъминлашда муҳолифатнинг ўрни масаласига ҳам катта эътибор беради. Маълумки, демократик мамлакатларда муҳолифат ўз жамиятлари ва давлатларининг бошқарув усулларини демократлаштиришда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий муҳолифат жамиятда плюралистик фикрлаш ва дунёқарашни шакллантиради. Турли хил сиёсий усуллар, ёндашувлар ва қарашлар асосида келажакни яратиш учун интилиш жамият аъзоларининг тобора кўпроқ манфаатлари ва сиёсий иродаларини қамраб боради. Натижада, жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий барқарорлигини таъминлаш онгли равишда изга тушади.

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 151—152-бетлар.

Шунингдек, муҳолифатнинг бўлиши давлат ва ҳукуматни шакллантириш жараёнларида фуқароларнинг устидан кимлар бошқаришини танлаш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлайди, уларнинг сиёсий иродаси ва истакхоҳиши тобора кенгроқ ошқора намоён бўлиб боради. Ғарб мамлакатларидаги муҳолифатнинг яратувчилик ўрнидан келиб чиқиб, Президент И.А. Каримов қуйидаги фикрларни билдиради: "Жамиятда барқарорликни сақлаш зарурлиги ҳақида гапирар эканмиз, сиёсий институт сифатида муҳолифат масаласини тилга олмаслик мумкин эмас. Бундай институтнинг мавжуд бўлиши демократик жамият учун шарт бўлган ва нормал ҳолдир. Айти маҳалда шуниси ҳам муҳимки, у ташкилий жиҳатдан расмийлашган, тегишли юридик мақомга эга бўлиши, конституция ва қонун нормаларини ҳурмат қилиши, ўз ҳаракатлари билан мамлакатдаги давлат ва ижтимоий тузумнинг қатъий, барқарор ҳолати учун масъул бўлиши, давлат қурилишининг муқобил лойиҳаларига эга бўлиши лозим"¹.

Умуман олганда, Президент И.А. Каримов томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили илғор демократик кадриятлар билан адолатли жамият қуришга доир миллий кадриятлар ва анъаналарни уйғунлаштириш асосида ривожланиб борди.

Юртбошимиз Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш ислохотларини янада чуқурлаштириш, унга мутаносиб равишда ҳуқуқий давлат қуриш мақсадларидан келиб чиқиб жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш (либераллаштириш) концепциясини ишлаб чиққи ва унинг қуйидаги йўналишларини белгилаб берди:

—мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;

—мамлакат сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш;

—нодавлат нотижорат тузилмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 153-бет.

бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

— жамиятда фикрлар хилмахиллиги ва қарашлар рангбаранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш;

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамлар онгида демократик кадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Юртбоши иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида ўз маърузасида фуқаролик жамияти қуришнинг янги босқичи ва тамойилларини илгари сурди: "Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифа у ҳам бўлса, "Кучли давлатдан — кучли жамиятга ўтиш" деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдир. Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичмабосқич қуйи тизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади. Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз. Иккинчидан — жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор"¹.

Дарҳақиқат, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилидан келиб чиқиб иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қабул қилинган "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонун келгусида қабул қилиниши зарур бўлган ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунларнинг қабул қилиниши учун принципиал қоидаларни белгилаб бериши кўзда тутилган эди.

Мамлакатда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг демократик тамойилларини ривожлантириш масалалари Президент И.А. Каримовнинг биринчи ва

¹ И.А.Каримов. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. // Хавфсизлик ва тинчлик учун

иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг сессияларидаги (1995 — 2004 йиллар), шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005, 28 январь) маърузалари "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал сиёсий дастурнинг асосини ташкил этди.

Президент И. А. Каримовнинг асарларида адолатли демократик жамият қуришнинг концептуал назарий асослари янада бойитилди. Президентнинг қўидаги фикри мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий йўналишларини белгилаб берди: "Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоийиқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичмабосқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи гада, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим... Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли — марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қўи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичмабосқич ўткази боришни таъминлашдир"¹.

Мамлакатда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилидан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти қуриш мақсадларида давлат ҳокимиятининг аксарият ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига бериш жараёнлари бошланди. Марказий давлат ҳокимияти тасарруфида эса, асосан, фақат конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқтартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби ваколатларни қолдириш кўзда тутилмоқда.

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.//Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. II. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 27—29-бетлар.

Шунингдек, стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шартшароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари марказий давлат миқёсида ҳал этилиши, давлатнинг бошқа барча вазифалари эса маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига бериш учун ҳуқуқий асослар ва сиёсий шартшароитлар яратишга доир ислохотлар чуқурлашиб бормоқда. Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятини назорат қилиш ваколатлари ҳам асосан ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) маърузасида мамлакат жамиятини демократлаштириш ва янгилаш концепциясининг, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича асосий вазифаларнинг дастурий концептуал йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур маърузада мамлакатни модернизация қилиш борасида узоқни қўзлайдиган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари", деган тамойилга асосланган ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг барча йўналишларида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар аниқ ва равшан ифода этилди. Мамлакатда марказий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини номарказлаштириш асосида кучли жамиятнинг шаклланиши учун шартшароитлар яратиш мақсадларида "ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш" вазифаси белгиланди. Шу билан бирга, "ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик

йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амадда кучайтириш" муҳим вазифалар сирасига киритилди.

Юртбошимиз ўзининг мазкур қўшма мажлисдаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш масалаларини илгари сураётган экан, бу билан "аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор" беришга даъват этди. Шу билан бирга, "одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс"¹ эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал дастурни амалга ошириш янги босқичга кирди. Бу босқичда мамлакат Йўлбошчисининг назарий қарашларини ҳаётга татбиқ этиш даврига ўтилди. Ривожланган мамлакатларда фуқароларга эркинлик бағишлаган, шахснинг эркин камол топиши учун барча шартшароитларни яратган, жамиятнинг ҳамма жабҳаларини демократлаштиришга қобил бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди.

Мамлакатда икки палатали парламент ислоҳотлари билан узвий боғлиқликда нодавлат ташкилотларни ижтимоий қатламлар, гуруҳтар манфаатлари ҳамда иродаларини ифодаловчи ташкилотлар даражасига кўтариш, жамиятдаги турлитуман ижтимоий қатламларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, жамиятни доимий барқарор бўлишига замин яратиш, шунингдек, фуқароларнинг жамият ва давлат органларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш учун кенг шартшароитлар ва ижтимоийсиёсий

¹ И. А. Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. — Т.: Ўзбекистон, 2005. 181-182-бетлар.

кенгликлар яратилди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг давлат ва қонунлар томонидан кафолатланиши ислохотларни янада чуқурлаштириш учун имкониятлар яратди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон жамияти сиёсий тизимида икки палатали парламент ислохотларининг бошланиши ҳам давлат ҳокимияти тизими ва жамият институтларини ҳар томонлама модернизациялаштириш ва ислох этиш учун шартшароитлар ва имкониятларни янада кенгайтди. Авваламбор, парламент ислохотлари натижасида жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг манфаатлари ва иродаларини ифодаловчи янги институтлар — парламентнинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг шаклланиши натижасида бу турлитуман манфаатларни қонунлар ва сиёсий қарорларда ифодалана олиш имкониятлари яратиди. Албатта, бу ўзгаришлар фуқаролик жамиятига хос бўлган қадриятлардан бири — фуқаролар истаклари ва манфаатларини фуқаролик институтлари воситасида давлат иродаси ҳамда давлат вазифаси даражасига кўтариш амалиётига эришилди. Шунингдек, фуқаролик жамиятига хос бўлган қонунлар қабул қилишнинг ўзига хос имкониятлари яратиди.

Президент И.А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари халқнинг, бутун бир мамлакатнинг дастур аъмолига айланди: "Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборатдир"¹.

Шуниси диққатга сазоворки, Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги давлат ва жамият қуриш масаласида ривожланган мамлакатларнинг илғор тарихий тажрибасини чуқур ўрганиш натижасида фуқаролик жамиятини барпо этишдаги "Ўзбек модели"нинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Унинг назарий қарашлари "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал дастурда ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш амалиётида ўз ифодасини топиб бормоқца.

¹ И.А.Қаримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т.: Ўзбекистон, 2000. 331-бет.

1.2. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлатнинг бош ислохотчилик ўрни

Ўзбекистон давлати ва халқи мамлакатда ҳуқуқий давлат куриш йўлини танлади. Чунки, дунёнинг ривожланган давлатларида шаклланган ҳуқуқий давлат шароитидагина фуқаролик жамиятини шаклланиши учун имкониятлар яратилади, жамиятда доимий барқарорлик ва халқ фаровонлиги таъминланади. Умуман, ҳуқуқий давлат тарих тажрибаси ва имтиҳонидан муваффақиятли ўтди. Шунингдек, ҳуқуқий давлат халққа нисбатан кучли ижтимоий сиёсат юритиши билан ҳам ажралиб туради.

Ривожланган мамлакатларда ҳуқуқий давлатнинг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти тушунчаларини талқин этишга ҳам кучли таъсир этди. Жумладан, фуқаролик жамияти тушунчасини кенг ва тор маъноларда ишлатиш русумга кирди. Кенг маънодаги фуқаролик жамияти — давлат ва унинг тизилмалари томонидан жамиятни эгаллаб олмаган қисми, бошқача айтганда, давлатнинг қўли етмаган қисмидир. Бу каби жамият давлатга нисбатан автоном, бевосита унга қарам бўлмаган қатлам сифатида ривожланади. Шунингдек, фуқаролик жамияти кенг маънода фақат демократик қадриятлари муҳитидагина эмас, балки авторитаризм режимида ҳам яшай олади. Лекин, тоталитаризмнинг пайдо бўлиши билан фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимият томонидан бутунлай "ютиб" юборилади.

Фуқаролик жамияти тушунчаси тор маънода талқин этилганда, у ҳуқуқий давлатнинг иккинчи томони бўлиб, улар бирбирларисиз яшай олмайди. Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитида давлат тасарруфида бўлмаган эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро муносабатларидаги плюрализмдан ташкил топади. Бундай шароитларда жамият соҳаларига хусусий манфаатлар ва индивидуализмнинг эркин муносабатлари қамраб олинади. Бу каби жамиятнинг шаклланиши, унинг ривожланиши индивидларнинг эркинликка интилиши, уларнинг давлатга тобе бўлган фуқароликдан эркин мулкдор фуқароларга айланиши, ўз шахсий ҳурмат обрўсини ҳис қила бориши,

хўжалик ва сиёсий масъулликни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиши билан боғлиқдир.

Кейинги ўн йилликлардаги тарихий ривожланиш тажрибалари шуни кўрсатдики, ҳуқуқий давлат унсурлари шаклланишдан илгари фуқаролик жамиятини барпо этиш учун имкониятлар ва шартшароитлар яратилмайди. Сиёсий тизимда ҳуқуқий давлат қуришга эҳтиёжлар пайдо бўлиши билан бир вақтнинг ўзида фуқаролик жамияти қуришга кучли табиий эҳтиёжлар сезилади. Чунки, ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнлари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш билан уйғун ҳолда кечмас экан, бу соҳадаги ислохотлар ҳам ўз ўрнида депсиниб туравериши, ҳаттоки, орқага қараб кетиши халқаро тажрибаларда бир неча марта ўзини кўрсатган. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳуқуқий давлат қуриш ислохотлари фуқаролик жамияти муҳитидан озикланади, давлат иродаси ҳам жамиятдаги турлитуман манфаатлар ва эҳтиёжлар ифодаланишига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳондаги фуқаролик жамиятлари ҳуқуқий давлатнинг ривожланишига ҳамоҳанг тарзда етуклик сари такомиллашмоқдалар.

Ривожланган мамлакатларда турли шакллардаги ҳуқуқий давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш усуллари ва ривожланиш тажрибалари умумлаштирилганда, бу каби давлат қуйидаги белгиларга эга эканлиги кўзга ташланади:

- фуқаролик жамиятининг давлатдан мустақил эканлиги;
- шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг амалда таъминланганлиги;
- давлат ваколатларини конституциявий жиҳатлардан чекланиши, давлатнинг фақат қонунлар доирасидагина фаолият юритиши;
- фуқароларда шахсий фаровонликка эришиш учун ўз масъулликларини ҳис қила олиш қобилиятининг шаклланиши;
- фуқароларнинг қонунлар олдида ҳуқуқий тенглиги, шунингдек, қонунларга нисбатан инсон ҳуқуқларининг устувор эканлиги;
- ҳуқуқнинг умумийлиги — ҳуқуқнинг жамиятдаги барча фуқаролар, давлат ҳокимияти, мансабдорлар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқаларга

нисбатан тенг тарзда амал қилиши;

- халқ суверенитети, шунингдек, давлат суверенитетининг конституциявий ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлашганлиги;
- халқнинг амалда ҳокимият манбаи эканлиги;
- қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг аниқ бўлинганлиги, уларнинг халқ фаровонлиги йўлида ҳамкорлик ва бирлик асосида фаолият юритиш қобилятининг шаклланганлиги;
- шахс эркинлиги, унинг фақат бошқа шахслар эркинлиги ва ҳуқуқларига зид келган тақдирдагина чеклашларга йўл қўйиш мумкинлиги.

Шунингдек, ҳуқуқий давлат шароитидаги эркин рақобатбардошлик натижасидагина ўрта қатлам — мулкдорлар қатламини шаклланиши учун қулай шартшароитлар яратилади.

Ҳуқуқий давлатларнинг ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат шахсларнинг ривожланиши учун шартшароитлар яратиш билан умумий фаровонликка эришиб бўлмайди. Чунки, жамиятдаги ҳамма шахсларда ҳам мулкдор бўлиш, ташаббускорлик кўрсатиш қобиляти бўлавермайди. Шу туфайли ҳам ижтимоий тенгсизлик сакданиб қолаверади. Шунинг учун ҳам ҳаётда ижтимоий давлат назарияси ва амалиёти ("умумий фаровонлик давлати") шаклланишига зарурат туғилди¹.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг илк даврдан бошлаб ижтимоий ҳуқуқий давлат қуриш асосий сфатегик мақсад даражасига кўтарилди. Юртбоши ўтган асрнинг 90йиллари бошидаёқ қуйидаги вазифаларни белгилаган эди: "Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти Ўзбекистоннинг давлат суверенитетининг иқтисодий асоси сифатида олинган, у республика ижтимоий тараққиётининг ҳозирги босқичига ҳамда ўзига хос шароитларига энг кўп даражада мувофиқ келади"².

¹ Основы политической науки. Часть 1. Под ред. В.П.Пугачева. — М: МГУ им М.В.Ломоносова, 1996. 219—221-бетлар.

² И.А.Кяримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т.: Ўзбекистон, 1994. 31—32-бетлар.

Мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ислоҳотларнинг босқичма-босқич ривожланиб боришининг асосий сабабларидан бири ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллашга муҳим аҳамият берилганлигидир. Шу туфайли ҳам жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланиб, давлатнинг ислоҳотларни изчиллик билан ўтказиши учун шарт-шароитлар туғилди. Кейинги даврларда МДХ давлатлари раҳбарларининг кўпчилиги Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибасидан кенг фойдаланмоқдалар, шунингдек, улар ҳам кучли ижтимоий сиёсат юритиш аҳамиятини чуқур англаб етдилар.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдир. Ҳозирги даврда бундай давлат ва жамият барпо этишнинг конституцион ва қонуний асослари яратилди. Демократик типдаги миллий давлатчилик шаклланди. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимиятини шакллантиришга доир конституциявий асослар ва унга доир барча қонунлар ижтимоий ҳуқуқий давлат қуриш мақсадлари асосида яратилди. Чунки, давлат қуришнинг умумий йўлини аниқламай туриб, унинг қуйи органлари ва жамиятни ислоҳ қилиш мумкин эмас эди. Маҳаллий ҳокимият тизимини жорий этишда ҳам стратегик мақсаднинг ҳуқуқий давлат қуриш эканлигидан келиб чиқилди, миллий меросимиздаги ҳуқуқий давлатга хос бўлган баъзи унсурлар тикланди.

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик даврига келиб миллий анъаналар ҳамда демократик кадриятларга асосланган янги типдаги давлат ҳокимиятини шакллантириш имкониятлари туғилди. Янги ўзбек миллий давлатчилиги соҳасидаги ислоҳотлар Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг беш тамойили асосида амалга оширилди. Давлат ҳокимиятини янгидан шакллантириш учун, аввало, етук ва ривожланган давлатлардаги сиёсий тизимнинг тузилиши ва амал қилиш принципларини шаклланиш тажрибаси ва тарихий миллий анъаналар асос қилиб олинди.

Миллий мустақилликнинг дастлабки даврида шаклланган янги давлатчиликни Президент И.А. Каримов шундай ифодалаб берган эди: "Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилди. Уларнинг ҳар бири фаолиятида ҳуқуқий асосда авторитаризм ва тоталитаризмнинг хуружларини истисно этадиган чинакам демократик меъёрлар ва йўл-йўриқлар қарор топтирилди. Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Улар режалаштаксимлаш вазифаларидан холи бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда"¹.

Шунингдек, Ўзбекистондаги ислохотларнинг "Ўзбек модели"га хос давлатнинг бош ислохотчилик фаолияти асосида амалга оширилган туб ўзгаришларнинг пировард мақсади, асосан ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга қаратилди. Давлат ҳокимияти органларининг турли йўналишларда амалга оширилган ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари натижаси ўлароқ ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари яратилди.

Мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг қийин жараёнлари, айниқса, мулк муносабатларининг вужудга келиши, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, хўжалик юритишнинг янги усулларининг шаклланиши билан бутунлай янги типдаги давлат ҳокимияти органларига эҳтиёж сезилган эди.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистон давлати миллий мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб мамлакатда ижтимоий ҳуқуқий давлатга хос бўлган давлат ҳокимияти органларини шакллантириш йўлини тутди. Лекин, шу билан бирга, демократик ислохотлар жараёнларида авлодаждодларимиз мерос қолдирган давлатчилик анъаналари, демократик кадриятлар унсурларини замонавий демократик тамойиллар билан уйғунлаштирилиб

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 138—139

боришга аҳамият берилди. Шу мақсадда давлат қурилишида соф миллий характерга эга бўлган, шу билан бирга, демократик қадриятлар билан уйғунлашиш натижасида янги мазмун касб этган ҳокимият органларини шакллантириш ислоҳотлари амалга оширилди.

Умуман, жаҳондаги демократик давлатлар тарихий тажрибаси ва конституцион тузуми амалиётини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат ҳокимиятига доир қонунларга биноан марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маҳаллий бошқарув ва бошқа барча масалаларни аҳолининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда қонунлар, шунингдек, тегишли моддий ва молиявий ресурслар асосида бевосита ёки билвосита ҳал қилиш мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этилди.

Ўзбекистонда туб ўзгаришлар жараёнларидаги давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрни, асосан фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёнларида намоён бўлди. Президент И.А. Каримов ташаббуси билан Миллий мустақиллик арафасидаёқ кўппартиявийлик тизимини жорий этиш, давлат ва ҳукуматдан холи бўлган жамоат бирлашмалари тузилмаларини эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шартшароитлар яратиш мақсадларида Миллий мустақиллик арафасида Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонунини (1991 йил 15 февраль) қабул қилган эди.

Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шаклланишида 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим аҳамият касб этди. Конституциянинг ғоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қويدаси "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси", бир неча асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлодданавлодга мерос бўлиб келаётган миллий ва шарқона давлатни адолатли идора этиш

хамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориш анъаналарини ҳам ўзида мужассамлаштирди.

Мамлакат тарихида биринчи марта Конституциянинг 2-моддасида куйидаги халқ суверенитетига хос тамойил эълон қилинди: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар"¹. Конституциянинг мазкур моддасида илк бор фуқаролик жамияти амал қилиши мумкин ҳуқуқий асос мужассамлашди. Мазкур ҳуқуқий қонундан Конституциянинг 7-моддаси куйидаги талқинларда янада ривожлантирди: "Халқ давлат ҳокимиятининг бирданбир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади"². Албатта, Конституциянинг бу моддаси "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"нинг 21-моддасига "Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим", деган демократик тамойилнинг Ўзбекистонда ҳар томонлама рўёбга чиқиши учун шартшароитлар ва имкониятлар яратиб берди. Шунингдек, Конституциянинг 9-моддасида давлат ҳокимияти сиёсатининг халқ манфаатлари, истаклари асосида амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси ифодаланди: "Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади"³.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳар қандай давлатда ҳам рўй беравермайди. Бу жамиятнинг шаклланиши учун фақат ҳуқуқий давлатгина ҳар томонлама шартшароитлар яратиб бериши мумкин. Ҳуқуқий давлат амал қилишининг энг асосий шarti эса давлат ҳокимиятининг учга бўлиниш

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 4-бет.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. — Т.: 1998. 30-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 5-бет.

принципини ҳаётда амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддаси мамлакат сиёсий тизимида унинг амал қилиши мақсадларида мазкур принципни қуйидаги мазмунда ифодалаб берди: "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади". Албатта, мазкур модда мамлакат парламенти — қонун чиқарувчи ҳокимиятида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини мукамал тарзда ишлаб чиқиш имкониятларини яратиб берди.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти институтлари билан мувозанат сақлаши, жамият институтларини давлат органларидан мустақил фаолият кўрсатишида жамият ва давлатни ривожлантириш омилларида энг асосийси, бу — сиёсий плюрализмдир. Жамиятда плюрализмнинг етишмаслиги оқибатида фуқаролик жамияти институтларини давлат тизими "ютиб" юборишини тарих ўз вақтида исботлаб берган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида сиёсий плюрализмни давлат ва жамиятнинг яшаш принципи сифатида эътироф этилиши фуқаролик жамияти институтларини ривожланишига ҳар томонлама шартшароитлар яратиб берди. Хусусан, Конституциянинг 12-моддаси қуйидагича талқин қилинади: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилмахиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас".

Шунингдек, Конституциянинг 13-моддасида фуқаролик жамиятининг яшаши учун муҳим бўлган шартшароитлардан яна бири — инсон эркинлиги ва ҳуқуқини таъминлашга қобил бўлган демократик принципларни давлат ҳокимияти ва жамият ҳаётини ташкил этишнинг асоси ва олий қадрият сифатида эътироф этилди: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадрқиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият

ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

Шунингдек, Конституциянинг 29-моддасидаги "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга..."¹, 32-моддасидаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўз ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади", 43-моддасидаги "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди" каби демократик принципларнинг ифодаланиши — фуқаролик жамияти куришнинг конституциявий ҳуқуқий асосларини ташкил этди.

Конституциянинг етти моддадан иборат "Жамоат бирлашмалари боби" республикада фуқаролик жамияти институтларини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий жиҳатдан зарур шартшароитлар яратиб берди. Унда "жамоат бирлашмаси", "қасаба уюшмалари" "сиёсий партиялар" каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар киритилиб, улар эндиликда демократик талқинлар асосида таърифлана бошланди. Айниқса, Конституциянинг 58-моддасидаги "Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди", каби демократик принципларнинг Асосий қонунда ифодаланиши мустақил республика давлати ва халқининг инсоният ҳаётида бир неча асрлик тажриба ва синовлардан ўтган фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини англатар эди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 8-бет.

Мамлакатда халқ манфаатлари ва сиёсий иродаларини эркин биддириш ва уларни эркин ифода этиш учун ҳуқуқий асослар ва эркин сиёсий муҳит яратилиши билан ҳамоҳанг тарзда сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат жамоат бирлашмалари ҳам тузила бошланди. Собиқ иттифоқ тузуми даврида фаолият кўрсатган нодавлат жамоат бирлашмаларини демократик ҳуқуқий асослар ва талаблар асосида қайтадан ташкил этиш жараёнлари авж олди. Шунингдек, давлат органлари мамлакатда фуқаролик жамиятининг институтлари фаолиятини молиявий ва ижтимоий жиҳатлардан кафолатлашга ҳам муҳим аҳамият берди. Сиёсий партиялар, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотинқизлар кўмитаси ҳамда уларнинг барча қуйи ташкилотларини давлат бюджети гомонидан молиялаштиришга доир ҳуқуқий асослари қабул қилинди ва ҳаётга жорий этилди.

Республикада Миллий мустақиллик асосларини яратишга доир ислоҳотлар жаҳондаги илғор ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ўзбек халқи менталитетига хос бўлган анъаналарни уйғунлаштириш асосида кеча бошлади. Мамлакатда давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида янги жамият қуришнинг миллий ва демократик кадриятларга доир ҳуқуқий асосларини яратиш соҳасидаги фаолияти муҳим стратегик мақсадга — фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилди.

II-БОБ. ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК.

2.1. Табиат ва жамият, улар ўртасидаги ўзаро муносабат шакллари.

Табиат - кенг маънода - бутун борлиқ, олам ва унинг хилма-хил шакллари; тор маънода - кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи бўлган атроф табиий муҳит. Жамият ва табиат тизимини кўриб чиқаётганда иккинчи тор маънодаги тушунча қўлланилади. Чунки инсон ўзининг ҳаёти давомида бутун борлиқдан эмас, балким уни ўраб турувчи ва унинг таъсири доирасида турган атроф табиий муҳитдан фойдаланиши мумкин.

Шу тариқа инсоният тарихида жамият билан табиат ўртасида тўхтовсиз ва хилма-хил ўзаро таъсирлар рўй бериб келган. Аммо табиат инсонларсиз бу моддий дунёда ҳукм суриб келган, лекин инсонлар табиатнинг бир бўлаги бўлиб, улар табиатсиз ҳаёт кечира олишмайди. Инсонлар ўз ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма нарсани табиатдан олади. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош учун хом ашё, қурилиш учун бинокорлик материаллари, нафас олиш учун атмосфера ҳавоси, ичиш учун сув, дам олиш учун гўзал ландшафтлар ва ҳ.к. Шундай қилиб инсон ҳаёти давомида фойдаланилган ҳамма нарсалар табиий модда ва кишилар фаолиятининг маҳсулидир.

Инсон - тирик организмлар туркумига кирувчи мураккаб ижтимоий ва меҳнат фаолиятини юргазувчи индивид. Инсон тарихий - жамоат жараёни субъекти бўлиб, у Ер қуррасидаги моддий ва маънавий-маданий ривожланишнинг асосчисидир. Инсон бошқа турдаги тирик мавжудотлар билан генетик боғланган ҳолатда, лекин улардан онгининг юқорилиги, меҳнат қуролларини ишлаб чиқара олиши, нутқнинг ривожланганлиги, ижодий фаоллиги, ҳамда ахлоқий, маънавий ва руҳий ўз ўзини англай олиши билан ажралиб туради.

Жамият - кенг маънода инсонларнинг тарихан қарор топган биргаликдаги фаолиятлари мажмуи ёки тор маънода - ижтимоий муносабатларнинг конкрет типидир. Шундай қилиб, ақлий меҳнат фаолиятига эга бўлган инсонлар йиғиндиси бўлган жамият атроф табиий муҳит билан *пассив (суст)* эмас, балким *актив (фаол)* таъсир доирасида бўлиши муқаррардир.

Инглиз олими Ч.Дарвиннинг таълимотига кўра инсонлар ҳайвонларнинг маълум бир турларини меҳнат фаолияти активлашуви, яъни кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши мобайнидаги эволюцион ривожланиш маҳсули дейди. Лекин фан ва техника ютуқлари бундай таълимотнинг мутлақ тўғри эмаслиги ҳақидаги маълумотларга эга ва бошқа гипотезаларни олдинга сурмоқдалар. Нима бўлганда ҳам кишилар жамияти мана бир неча миллион йилдирки Ер кўрмасида табиат билан ўзаро узвий боғланган ҳолда яшаб келмоқдалар ва бу боғлиқлик кундан кунга кучайиб бормоқда.

Мутахассислар маълумотларига кўра, Ер юзида содир бўлаётган табиий жараёнларнинг **9/10** қисмида инсон фаолиятининг маҳсули акс этмоқда. Бу жараёнлар доимо ҳам ижобий деб бўлмайдилар. Чунки **экологик хавфсиз муҳит**, яъни инсонларнинг муҳим ҳаётий манфаатлари ва аввалам бор тоза, соғлом, қулай табиий шароитга эга бўлиш талабини тўла қондиришга қодир бўла оладиган атроф табиий ва ижтимоий муҳит ҳолати инқироз ва талофат томон интилиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва ривожланиш кафолатлари" деган асарида *"Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Бундан сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириши ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиши билан баробардир"*¹ деган эдилар.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва ривожланиш кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

Агарда жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга инсон ҳаётининг тарихи нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уларни қуйидаги муносабат шаклларига ажратсак бўлади: *оддий, оддий-иқтисодий, иқтисодий, иқтисодий-экологик, экологик.*

Жамият ва табиат ўртасидаги *оддий муносабат шакли* - кишиларни *экологик тизимни бузмайдиган соддалаштирилган ҳаёт тарзи. Экологик тизим (экотизим)* - тирик организмлар мажмуи ва уларнинг яшаш муҳити йиғиндиси бўлиб, тирик организмлар ўзаро ва атроф табиий муҳит билан узвий алоқадорлик қонунияти асосида бўлган ҳолати. Бу шакл кишиларнинг ибтидоий жамоа тузумидаги ҳаёт тарзига, яъни инсоният тарихининг илк ижтимоий-иқтисодий формацияси даврига хосдир. Бу давр ўз ичига одамларнинг Ер қуррасида пайдо бўлиши (3-4 млн. йил аввал) давридан то синфий жамият юзага келгунига қадар муддатни ўз ичига олади. Ибтидоий одамларда ишлаб чиқариш кучлари ва қуроллари ниҳоятда паст даражада бўлганлиги туфайли уларнинг ҳаёт тарзи табиатнинг ажралмас бир оддий бўлаги сифатида намоён бўлган. Атроф табиий муҳит ҳолати эса тирик организмлар учун нисбатан қулай - экологик хавфсиз муҳит дейиш мумкин.

Ибтидоий жамоа бўлиб яшаш даврида ҳам инсонлар ўзларининг фаолияти табиатга қандай таъсир этаётганлиги ҳақида ўйлаб кўрганлар ва уларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари бўлган табиий объектларни сақлаб қолишга уринганлар. Мевали ўсимликларни сақлаш, ҳайвонларнинг ов қилиш меъёрий белгилашни ёзма равишда эмас, балким оғзаки равишда келишиб олганлар. Бундай оғзаки қоидаларни бузганларни жамоа бошлиғи томонидан ўлимгача маҳкум этганлар.

Синфий жамият шакллана борган сари, кишилар сони ва ишлаб чиқариш қуролларининг сифати ўсиб бориши билан табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги шакли - *оддий-иқтисодий* кўриниши намоён бўлган. Натижада, *кишиларнинг ҳаёт тарзи табиий муҳитни маълум бир кичик майдон ва макон бўйича экологик хавфсизлик даражасини кескинлашувига* олиб келган. Бундан "локал" кўринишдаги бузилган

майдонлар кишиларни жамоа бўлиб тўпланган ерларга хос бўлган. Лекин улар атроф муҳитнинг экологик хавфсизлик даражасига тўлиғича таъсир эта олмаганлар.

Кўпгина эколог олимлар¹ жамият ва табиат ўртасидаги муносабат шакллари уч кўринишда ифода этадилар - оддий, иқтисодий, экологик. Лекин, жамиятда, айниқса табиатдаги қонуниятларни вақт мобайнида ўзгариб бориши революцион ҳолатда эмас, балким эволюцион ҳолатда кечади². Шунинг учун ҳам табиат билан жамият ўртасидаги муносабатлар секин-асталик билан шакллана борган ва у бир шакл иккинчи бир шаклга босқичма-босқич ўтгандир.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида оддий-иқтисодий шакл ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги даври ва қулдорлик тузуми даврига тўғри келади. Эрамыздан аввал 12-15- минг йилликлардан бошлаб (мезолит даври) маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш қуроли сифатида найза, камон, айланма ейларни пайдо бўлиши ҳайвонот дунёсининг камая боришига, металл омоч ва белкуракларни яратилиши - ерларни ўзлаштириш ва деҳқончиликни пайдо бўлишига ва улар ўз навбатида ерларнинг ҳолатига таъсир этишни бошлади. Ирригацион шахобчаларни оддий кўринишдаги "туғон" усули - обикор (суғорма) деҳқончиликни дарё ўзанларида "лиман" услубини пайдо бўлишига ва дарёларнинг табиий сув режимини ўзгаришига сабаб бўлди. Уй ҳайвонларининг кўпайиши Чирчиқ, Зарафшон, Қуйи Амударё, Сирдарё дарёлари водийларида ўсимлик дунёсининг табиатига таъсир этди.

Жамият ва табиат ўртасидаги оддий-иқтисодий муносабат шакли табиий муҳитнинг энг асосий элементлари - ер ва сувнинг экологик тизимдаги кичик айланишига таъсир этди. Лекин бундай ижтимоий муҳит ҳолати экологик тизимларнинг *буферлик* (қарши туриш ва тикланиш) хусусиятига салбий таъсир қила олмаган эди.

¹ Петров В.В. Экологическое право России. - М.: Бек, 1997.

² Вернадский В.И. Химическое строение биосферы Земли и ее окружения. - М: Наука, 1965.

С.А.Семеновнинг¹ хулосаларига кўра деҳқончиликнинг қадимий ўчоқлари аввалам бор Олд ва Ўрта Осиёда юзага келган, сўнгра Хитой, Ҳиндистон ва Шимолий Африка мамлакатларида жадал суръатларда ривожланиб кетган. Эрамиздан 4-5 минг аввал Кавказ ва Кичик Осиё орқали Европа қитъасига ҳам ўтиб олган.

Кишилар фаолиятининг табиатга оддий-иқтисодий таъсири даврида маълум бир ҳудудларда сезиларли даражада экологик хавфсиз муҳитга таъсир этгани учун ҳам қадимги ёзув ва қонун кучига эга бўлган китобларда табиатга нисбатан инсонларнинг эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари кўрсатилиб ўтилган. Масалан, *Зардуштарнинг "Авесто" китобида биноан* болалар ёшлигиданоқ дарахт кўчатини ўтказишлари шарт бўлган. Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир. Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи жазосига маҳкумдир. Лекин бу китобда экологик жазо сифатида бир турдаги табиий объектни бузгани учун иккинчи бир турдаги табиий объектдан қутилишни ҳам меъёр қилиб қўйганлар. Сувни ифлос қилган ёки ов итини ўлдирган киши 10 минг руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги териши, 1000 эчкемар, 1000 та сув қўнғизи ва касаллик тарқатувчи пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим бўлган.

Қадимги Вавилонда шох Хаммурапи томонидан "Ўрмонлар муҳофазаси"га оид қонун бор йўғи шохнинг тириклик даврида (эрамиздан аввал 1792-1750 йиллар) ҳукм сурган ҳолос. Худди шундай ҳолат эр. аввал III асрда Ҳиндистон императори Ашоки қарорига "Ҳайвонот дунёсини овлаш қоидалари" ҳам таъллуқлидир.

Жамиятда ишлаб чиқарувчилар ва амалдорлар синфининг шакллана бориши ва иш қуролларининг такомиллашиб давлатлар орасидаги низоларнинг кенгайиши феодализм ва илк бозор муносабатлари юзага келган капитализм даврларида *иқтисодий муносабат шакли* юзага келди ва

¹ Семенов С.А. Происхождение земледелия. - М.: Наука, 1974.

ривожланди. Жамият ва табиат ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли - *фақатгина иқтисодий маданиятлашган кишиларнинг ўз иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши учунгина атроф табиатни истеъмолчилик психологияси позициясидан туриб фойдаланиши* натижасида атроф муҳит ифлосланиши, ресурслар камайиши ва табиат тизимларининг ўзгаришига олиб келадиган инсонларнинг ҳаёт тарзи. Экологик тизимлар катта майдонларда ва кенг миқёсда (глобал) бузилиши кузатилади. Бу даврда гарчи инсоният тарихида илк бор ҳуқуқий элементларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда диний ва бошқа ҳуқуқ институтлари манбаларининг пайдо бўлишига қарамасдан инсонларнинг экологик онги, билими ва маданияти жуда паст эди. Тавротда ҳам, Қуръони Каримда ҳам, Инжилда ҳам одамзоднинг қиёмат кунларини табиат билан боғлаш бежиз бўлмагандир. Мисрдаги *Хеопса пирамидаларидаги тошлардан бирига, - "Инсонлар табиат кучларидан фойдалана ололмасликлари ва моддий дунёнинг асл моҳиятини тушунмасдан ҳалок бўладилар"*, - деб битилгани бежиз эмас.

Узоқ тарихий муддатни ўз ичига олган ва ханузгача ривожланаётган мамлакатларда ўз асоратини сақлаб келаётган иқтисодий муносабат шакли иқтисодни ҳар қандай экологиядан устувор ва экологик сиёсатдан мутлақо ҳолилигини намоён этмоқдалар. Гарчи бундай ўлка ва мамлакатларда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар етарли бўлсада, уларни амалий тадбиғи ишлаб чиқилмаган ёки талаблар давлат миқёсда тарғиб қилинмагандир. Акс ҳолда қандай тушуниш мумкин-ки, ҳақиқий демократия ва адолат мезонининг ўчоғи бўлмиш Америкада XIX аср иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида сон-саноксиз бўлган бизонлар ёппасига қириб ташланди, ўрмонлар майдони 2 баробарга, емирилган ва ювилган ерлар 40 млн.га етган, қишлоқ хўжалиги оборотидан 50 % тупроқли ерлар чиқиб кетган.

Илмий- техника ютуклари у даврда экологик хавфсиз муҳитни сақлаб қолишга эмас, балки глобал миқёсда қуролли тўқнашувларда ва совуқ урушларда ғолиб чиқиш, маълум бир қатламдаги аҳолини бойитишга хизмат қилган. Шунинг учун ҳам Ж.Б.Ламарк 1820-1960 йилларни "Инқилобий саноат юксалиш" даври экологик хавфсизликни кескин равишда инқирозга томон судраган даври бўлди деб айтган эди.

Шундай қилиб экологик хавфсиз муҳит инқироzi кишилар фаолиятининг атроф муҳитга антропоген таъсирининг уч оқибатлар мужмуи - табиий ресурслар камайиши, атроф муҳит ифлосланиши ва экологик тизимларни бузилиши махсулидир.

Табиий ресурслар камайиши - кишиларнинг хўжалик ва бошқа ҳаётий фаолияти манбаи бўлган табиий объектларни йўқола боришидир. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра "инсон цивилизацияси" даврида, тўғрироғи иқтисодий маданиятлашган кишиларни изчил фаолияти даврида Ер қуррасидаги ўрмонларнинг 2/3 қисми кесилиб кетди, 250 хил турдаги ҳайвон ва ўсимликлар йўқ бўлиб кетди, 3-4 млрд. гектар ер қишлоқ хўжалик оборотидан чиқазиб юборилди, атмосфера ҳавосидаги кислороднинг захираси 10 млрд.тонна камайди. Кейинги 100 йил ичида, француз олими А.Геррэннинг маълумотларига кўра, тупроқ эрозияси ва техноген бузилиши 2 млрд. гектар ерни унумдорлигини йўқотиб юборган. Шу кунларда Ер қуррасида 1 дақиқада 20 га ўрмон кесилмоқда, кунига бир турдаги ҳайвонот ёки ўсимлик тури қизил китобга киритилмоқда.

Табиий ресурсларни камайиб боришидан ташқари атроф *табиий муҳитнинг ифлосланиши* экологик тизимларнинг бузилишига, модда ва энергия алмашувининг табиий ҳолатда кечишига кескин таъсир қилмоқда. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши деб табиий моддалар (тупроқ, сув, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси...) таркибининг физик ва кимёвий ўзгаришига айтамыз. Агарда бундай ўзгариш инсон ҳаётининг фаолияти билан кечса - *антропоген ифлосланиши*, унинг иштирокисиз кечса - *табиий ифлосланиши* дейилади.

Атроф табиий муҳитнинг антропоген ифлосланиши иқтисодий муносабат шаклида умумий ифлосланишнинг 90-97% ни ташкил этади. Табиий моддаларнинг физик ва химик ўзгариши шаҳарларда асосан транспорт ва саноат ҳисобига (80-85 %) бўлса, аграр теграларда қишлоқ хўжалигини (70-85%) химиялаштириш, механизациялаш, мелиоратив ва ирригацион иншоотлар қуриш хаддан ташқари чорва моллари туёқ сонини маълум бир майдонларда ошиб кетиши ҳисобига амалга ошмоқда. Саноат теграларида ифлосланиш металлургия ва энергетика тармоқларида жуда юқори даражададир.

Атроф муҳитнинг табиий ифлосланиши инсон фаолиятини бевосита иштирокисиз кечадиган табиатдаги жараён ва ҳодисалар: қуёш-космик (метеоритларнинг тушуши, магнит бўрони); иқлим - гидрологик (тайфун, бўрон, сув тошқини, ҳаво-температураси ва ёғин ёғишларнинг кам қайтариладиган аномал ўзгаришлари...); геологик - геоморфологик (зилзила, цунами, вулканнинг отилиши, сел кетиши, қор қўчиши, сурилма, ўпирилиш ва тош тушиши, музликларнинг бостириши...); геохимик (ер ости табиий газларнинг портлаши, шўрланиш, ботқоқликлардан захарли газлардан чиқиши, сунъий материалларни коррозияси...); биологик (ёппасига зараркунанда ҳашарот ва кумурсқаларнинг кўпайиши, ўрмонларнинг қуриб кетиши натижасидаги ёнғинлар...). Уларнинг экологик хавфсиз муҳитга таъсири иқтисодий шаклда 3-10% ташкил этади. Лекин табиатга антропоген таъсирнинг кучайиши билвосита атроф муҳитнинг табиий ифлосланиш даражасини кундан кунга орттириб юбормоқда. С.М. Мягковнинг¹ маълумотларига кўра бу ўзгаришнинг йиллик коэффициенти - 0,2,-0,3 бўлиб, бу кўрсаткич жараён ва ҳодисаларнинг турига қараб ўзгариб боради.

Табиий ресурсларни камайиб ва йўқолиб бориши ҳамда табиий объектларнинг ифлосланиши экологик тизимларнинг бузилишига ва экологик инқирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Чунки кичик ва катта экологик тизимларнинг айланиши занжирида турган бирон бир табиий

¹ Меняющийся мир: географический подход к изучению. Советско-американский проект. Москва - Аризона, 1991.

объектнинг йўқолиши ёки унинг экологик хусусиятини ифлосланиш натижасида камайиб қолиши табиатни ўз-ўзини асраш, ташқи кучларга қарши туриш (буферлиги) ва қайта тикланиш хусусиятларини йўқотиб кўяди. Экологик инқироз - жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабат мувозанатининг барқарор равишда бузилиши натижасида атроф табиий муҳит ҳолатини ёмонлашиб бориши, давлат бошқарув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юзага келган ҳолатдан чиқа олмасликлари ҳамда экологик тизимларни тиклаш имкониятларининг йўқолиши, яъни табиий муҳит инқироzi ва ижтимоий муҳит фалокати.

Экологик инқирозга мисол бўлиб Орол денгизи ва унинг атрофидаги ҳолатни олсак бўлади. Қачонлардир дунёда энг катта кўллар тоифасига кирган Орол денгизи 30-40 йил ичида энг шўр, ифлосланган ва халқ хўжалиги аҳамиятига кам эга бўлган ўртача кўллар тоифасига кириб қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири Амударё ва Сирдарё сув режимини кескин ўзгариш, яъни 1982-1983 йилларга келиб уларнинг Оролга сув қўйишининг 12-13 баробарга камайиб кетишидир. Натижада сув сатҳи 16 метрга, сув юзаси 2 баробарга, сув ҳажми 4 баробарга камайиб кетди. Сувдан қуриган юза 3.3 млн.гектарни ташкил қилгани ҳолда дефляция (шамол эрозияси) натижасида тузлар минглаб километргача бўлган масофада атроф муҳитни ифлослантирди, натижада Амударё ва Сирдарё сувларини оғир металллар, пестицид, гербицид каби кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва шўрланиши натижасида уларнинг сувини ичимлик суви сифатида фойдалана бўлмаслигини мутахассислар исбот қилиб беришди. Қачонлардир балиқчилик ва ов қилиш маскани бўлган қуйи Амударё қуриган қолдиқ кўллар ва шўрланган тупроқлар масканига айланиб қолди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё давлатларининг биргаликдаги сайил-ҳаракатлари туфайли 1995-1997 йилларда келиб Оролга сув қўйилиши 15-17 куб км.гача кўпайтирилди. Ёпиқ хавзанинг сув тақсимоти халқаро шартнома ва декларациялар орқали тартибга солинмоқда.

Жамият ва табиат ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли фанда янги таълимотни - "Экология"ни юзага келтирди. Биринчи бор "экология" сўзини (грекчада "oikos" - уй, яшаш жойи, "logos" - фан, таълимот) фанга немис биолог олими Эрнест Геккель томонидан олиб кирилган. Чарльз Дарвиннинг тирик организмларнинг эволюцион ривожланиш қонуниятларини кенг тадбиқ қилган Э.Геккель 14 сентябр 1866 йил "Умумий морфология" китобининг сўз бошида экология ҳақидаги фикрларни баён этган. Бу фан соҳаси айнан XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа қитъасининг энг ривожланган қисмида биолог олимлар томонидан эътироф этилиши бежиз эмас эди, чунки ўша вақтда айни саноати буркираб ривожланган Германияда атроф табиий муҳит ҳолатининг кескин равишда ёмонлашуви Рур ҳавзасида экологик инқирозли вазиятини юзага келиши, кишилар ва тирик организмлар ҳаёти билан шуғулланувчи айнан биологларни ташвишга солишга ва янги фанни олға суришга асос бўлди.

Шундай қилиб "Экология" тор маънода - *уйимиз ҳақидаги таълимот бўлса*, кенг маънода - *тирик организмлар яшайдиган макон ҳақидаги таълимотни англатади. Шу кунда бу фан соҳаси тирик организмларнинг ўзаро ва улар атрофини ўраб турувчи табиий муҳит билан муносабатлар ёки алоқадорлик қонуниятини ўрганади.*

Хўш савол туғилади, иқтисодий муносабат шаклида экологик қонунлар бўлганми? Бўлган бўлса, нима учун улар бундай инқирозларни олдини олмаган? Биз айтиб ўтдикки жамият ва табиат ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли инсоният тарихи даврининг жуда катта қисмини ўз ичига олади. Қадимги диний ва мистик китобларда атроф табиат инсоннинг яшаш макони ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар, ҳаттоки мажбурий меъёрий кўрсатмалар бўлиб келгани ҳақида маълумотлар беради. Ундан ташқари, юзлаб экологик қонунларни ўз ичида акс эттирган Совет Қонунчилиги тизимида¹ ҳам табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш нормалари кўрсатилган эди. Лекин инсонларнинг иқтисодий

¹ Об охране окружающей среды. - М.: Политическая литература, 1981.

тафаккурлари ёки сиёсий талаблари ҳар қандай экологик талабдан юқори эди. Шунинг учун ҳам экологик қонунлар ўз йўлида, инсонларнинг ёки давлатларнинг рақобат, босқинчилик, бойиш ва қўшимча бозорларни эгаллаш сиёсати ўз йўсинида кетар эди.

Иқтисодий муносабат шакли даврига ҳос экологик қонунлардан Мазовларнинг XIII-XIV асрларда "Ўрмон, тур, зубр ва тарпанларни муҳофазаси", литва князи Сигизмунд-II нинг "Волок низоми"да балиқларнинг урчиш даврида ов қилиш ман этилган. XIV асрда Францияда "Сувлар ва ўрмонлар" махсус бошқармаси тузилган бўлиб, унинг вазифаси ўрмонларни муҳофаза қилиш эди. Қадимги Вильгельм подшоҳлиги даврида кийик, ёввойи чўчқа ва хаттоки қуёнларни ўлдирганлари учун кишиларга ўлим жазоси белгиланган. Аммо бу қонунлар умумий атроф табиий муҳитни эмас, балким феодал мулкни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишга қаратилган эди.

Табиатни ҳудудий муҳофазалаш тўғрисида чора тадбирлар XVI асрда Дания қироли Христиан-III қарорига биноан амалга оширилган. Худди шундай денгиз бўйидаги қумларни кўчишидан сақловчи қонунлар Пруссияда, Нидерландияда, Францияда ҳам қабул қилинган. XIX ва XX асрнинг биринчи ярмида ҳам алоҳида бир табиий объектлар ёки интеграл-худудий объектлар бўйича юзлаб қонунлар ва шунга асосан бошқарув ва назорат органлари ташкил этилди. Лекин уларнинг бошқарув ва назорат функциялари сиёсий аҳволга караб ўзгариб турар ва улар айрим мулк эгаларига хизмат қилар эди ҳолос.

Ер қуррасида экологик инқирозли объект ва ҳудудларнинг кенгайиши, оммавий касалликларни кўпайиши XX-асрнинг иккинчи палласига келиб кишилар эътиборини табиатга қарашга мажбур этди. Европа, Айрим Осиё ва Шимолий Америка мамлакатларида нафақат табиатдан самарали фойдаланиш, балким уни асрашга бағишланган бир қатор қонунлар қабул қилинди ва ўша асосида экологик чора тадбирлар амалга оширилди.

Натижада табиат билан жамият ўртасида янги муносабат - иқтисодий-экологик шакл юзага келди.

Жамият ва табиат ўртасида иқтисодий-экологик муносабат шакли - мавжуд экологик тизимни сақлаб қолиш даражасидаги кишиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ҳаёт тарзи.

Америка Қўшма штатлари, Япония, Швецария, Германия, Швеция каби мамлакатлар экологик қонунчилик тизими экологик муносабат шаклига мослаштирилган бўлиб, давлат томонидан кишиларнинг ҳар қандай экологик чора-тадбирлари тўлиғича қўллаб қувватланади. Табиий ресурсларни камайтириш, табиатни ифлослантириш нафақат фуқароларга, балки давлат идоралари ходимларига ҳам на моддий ва на маънавий фойда келтирмайди. Масалан, АҚШ "Атроф табиатни муҳофаза қилиш миллий сиёсати" (НЕПА) қонунига биноан ҳамма жисмоний ва юридик шахслар (давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳам) бирон бир табиий объектдан фойдаланишларидан аввал турли кўринишдаги тест синовларидан ўтишади ва табиатга кўрсатиши мумкин бўлган "Ариза"ни топширадилар. Бу тест синовлар натижасининг бошидаёқ 10 % "Аризалар" судлар иш фаолиятига кириб қолади. Президент ижроия қўмитаси қошидаги табиатни муҳофаза қилиш Кенгаши ҳар ойда Кенгашга келиб тушган "Аризалар" рўйхати ва судларнинг қабул қилган қарорлари тўғрисида очик маълумотномалар эълон қилади. Ундан ташқари табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир Америка штати ўзига яраша қонун қабул қилиш имконига эга. Чунки штатдаги экологик ҳолат аввалам бор маҳаллий аҳолига таъсир қилиши қонунчилик тизимни белгилаб беради.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк бор қабул қилган қонунларидан бири "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни. Бу қонун 9 декабр 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бир қаторда қабул қилинган бўлиб, ундаги принцип ва меъёрлар табиат билан жамият муносабатлари ўзаро уйғунлашган ҳолда бўлишини тақазо қилади. Мамлакатимиз ёш, тез суратлар билан ижтимоий йўналтирилган бозор

иқтисодиётига томон олға бораётган давлатлар тоифасига киради. Иқтисодий ривожланиш, вақтинчалик, жуда бой (100 га яқин минерал хом ашё туридан фойдаланилади) табиий ресурслардан фойдаланишга суянган ҳолда амалга ошмасдан иложи йўқ. Шунинг учун ҳам миллий қонунчилигимиз орқали табиат иномларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шакли иқтисодий-экологик кўринишдадир. Қабул қилинган экологияга оид 20 зиёд қонунлар табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қила олади, лекин бу қонун меъёрларини ҳаётга тадбиқ қилишнинг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб масалалари туркумига киради.

Табиий муҳитни инқирозга, ижтимоий муҳитни фалокатга олиб келмаслик учун биз яқин келажакда экологик муносабат шаклига ўтиб олишимиз керак.

Жамият ва табиат ўртасидаги *экологик муносабат шакли* деб биз *кишиларни табиат ресурслардан ўта самарали фойдаланишга, қайта тиклаш ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ҳаёт тарзини* тушунамиз. Бундай ҳаёт тарзи мавжуд экологик тизимни соғломлаштиришга олиб келади. Экологик муносабат шаклида давлатнинг бошқарув тизими авваламбор экологик нобоп ҳудуд ва объектларни тиклашга қаратилган бўлади. Бу ерда ишлаб чиқариш технологияси биринчи навбатда кам чиқитли ёки ёпиқ ҳолда бўлишни талаб этади. Экологик онг ва маданият кишиларнинг жамиятда тутган ўрнини белгиловчи мезон омили бўлиб қолади. Экологик қонунлар ва норматив ҳужжатлар нафақат бевосита, балки билвосита ҳам экологиялаштирилган ва амалий тадбиқи механизмига тўлиқ асосланган бўлишини талаб қилади. Табиий ресурслардан фойдаланишни чеклаш ва табиий объектлар "реконструкцияси" бир мамлакат миқёсида эмас, балким экологик хавфли ҳудудлар бўйича амалга оширилади ва улар давлат томонидан алоҳида муҳофаза этиш объектига киришини тақазо қилади.

2.2. Табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий иқтисодий асослари.

Бизнинг фикримизча миллий ва халқаро экологик-ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишдан аввал уч асосий масалани аниқлаштириб олиш даркор. **Биринчиси** - табиатга нисбатан жамиятнинг (конкрет давлат ҳокимиятининг) муносабат шаклини аниқлаб олиш; **иккинчидан** - жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга нисбатан концепциясини ишлаб чиқиш; **учинчиси** - шу муносабатларни амалга оширишнинг асосий принциплар (қоидалари)ни белгилаш. Бу баён этилган уч вазифаларни бажармаслик экологик-ҳуқуқий меъёрларни ягона бир мақсадга хизмат қилмаслигига, ва оқибатда қонунларни тез-тез ўзгариб туришига, экологик меъёрларнинг амалий тадбиқи қийинлашувига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, биз табиат ва жамият ўртасидаги турлича муносабат шакллари кўриб чиқдик. Лекин, инсонларнинг табиатга нисбатан дунёқарашлари, уларнинг характериға ўхшаб, турлича бўлиши табиий ҳолдир. Инсонларнинг дунёқарашини, - деган эди Абу Наср Фаробий, - уларнинг ташқи кўринишиға ўхшаб турлича бўлади ва бу фазилат уларнинг илмиға, ҳаёт тарзиға, яшаш муҳитиға тўғридан-тўғри боғлиқдир. Биз ҳам улуғ ўрта аср файласуфи А.Н. Фаробий фикриға тўлиғича қўшилиб экология борасидаги қарашлар тизимини кўриб чиқамиз. Буюк рус эколог олими Н.Ф. Реймерс¹ экология кенг маънода "инсонларни яшаб кетиши ҳақидаги таълимот" деб бежиз айтмаган. Чунки инсонларнинг чегараланган Ер куррасида яшаш муддати уларнинг экологик дунёқарашини ва бу дунёқарашларнинг амалиётда тадбиқ қила олиш имконияти билан белгиланади.

Экологик концепция - табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги қарашлар тизими, яъни жамият қонунлари билан табиат

¹ Реймерс Н.Ф. Надежды на выживание человечества. Концептуальная экология. -М.: ИЦ "Россия Молодая" - Экология, 1992.

қонунларининг ўзаро ҳаракат йўналишлари ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақидаги дунёқараш.

Жамият қонунлари - кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини ёки бирон бир объектга нисбатан муносабатини белгилайдиган ҳуқуқий-меъёрлар йиғиндиси.

Табиат қонунлари - кишиларни ўраб турувчи табиий муҳитда кечаётган воқеа, ходиса, жараёнларнинг жамият қонунларига бўйсинмайдиган ва кишилар фаолиятисиз намоён бўла оладиган кечинмаси. Табиат қонунларига: табиий омилларнинг биргаликда ҳаракат қилиши, табиий модда (сув, энергия, кислород, углерод...)ларнинг катта ва кичик айланиши, модда ва энергия сақланиши, табиий ресурсларни камая бориши, эволюцион тезланиш, тирик организмларнинг эволюцион ривожланиши ва ҳ.к.

Таниқли эколог-ҳуқуқшунос олим В.В. Петров¹ шу кунгача бўлган экологик дунёқарашларнинг моҳияти ва мазмуни бўйича ўн кўринишини ажратади: натуралистик, истеъмолчилик, алармизм, экологик инқироз сабаблари, ҳаракатлар стратегияси, ўсиш ва органик ривожланиш, глобал бошқариш, экологик революциялар назарияси, муҳофаза қилиш ва ривожланиш, социалистик.

Натуралистик концепция - жамиятдан устун турувчи табиатни илоҳий куч, доно яратувчи, идеал борлиқ деб қарайдиган фалсафий оқимлар ва мактаблар. Бундай қарашлар тизими табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг оддий ва оддий-иқтисодий шакли давридаги кишиларга ҳос дунёқараш. Шунинг учун ҳам уларнинг худоси сув, олов, ер ва бошқа табиат объектлари ёки ҳодисалари бўлиб келган. Улар шу муҳитда табиатнинг бир бўлаги сифатида яшаб келганлар ва ўзгача яшашни тушуна олмайдилар ҳам.

¹ Петров В.В. Экологическое право России. -М.: Бек, 1997.

Қадимги афсоналарга биноан¹ ер океан қаъридан чиқиб келган ва бу ер юзасида инсонлар пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам қадимги Хитой мифологиясида сув ҳаётнинг она боши, ер эса унинг маҳсули-эркаси деб айтилган. Улар бу иккала табиат объектини худо қилиб кўрсатишган, уларга итоат этганлар ва сиғинганлар.

Натуралистик концепциясига қарама-қарши дунёқараш *истеъмолчилик концепцияси* - жамият қонунларини табиат қонунларидан устун ёки кишиларни табиат устидан ҳукмронлик ғоясини илгари сурадиганлар. Бундай ғоя намोёндалари жамиятни иқтисодий муносабат шаклига олиб келганлар. Бу оқимга қирувчилар асосан бозор муносабатлари шаклланишни бошлаган капитализмнинг бошланғич даврида турган "янги бизнес" соҳибларидир. Улар ҳақида буюк америкалик ёзувчи Джек Лондон ўзининг ўлмас асарларида акс этган ва олтин орқасидан қувиб бутун борлиқ табиатни фақатгина уларнинг иқтисодий талабларини қондириш манбаи деб қарайдиганлар. Ҳозирги кунда Россиядаги "нефть" ва "газ баронлари" ҳам буларга яққол мисол бўла оладилар. Улар учун бойлик бирламчи, табиат ва инсонлар ҳаёти иккиламчидир.

Кишилар ва табиат ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли бундан 20-30 йил аввал кескин экологик инқирозларга олиб келди. Бунинг ҳаммаси аҳоли орасида давлатнинг бошқарув сиёсатига нисбатан қарама-қарши ҳаракатларини юзага келтирди. Атроф табиий муҳитни ёмонлашуви ва спид каби оғир касалликларни пайдо бўлишидан ваҳимага ва ташвишга тушган кишилар экологик партия ва жамоат ҳаракатлари, уюшмаларини туздилар. Улардан бири "*Алармизм*"чилар, яъни "alarm" немис ва инглиз тилида ташвиш, ваҳима, ҳавотир деган маънони англатади. Улар асосан ривожланган мамлакатларда (Германия, Англия, Франция, Австрия, Россия, АҚШ, Испания...) фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Мақсадлари - табиий муҳитда кечаётган салбий жараён, ҳодиса ва воқеаларни моҳиятини очиқ ташлаш ва ноэкологик сиёсатга қарши очиқдан-очиқ курашиш. Алармизм

¹ Мифы народов мира. Энциклопедия. № 1. - М.: Энциклопедия, 1991.

намоёндалари ўзларининг дунёқарашлари бўйича икки оқимга бўлинадилар: *пессимистик қарашлар* - кишиларнинг яшаш муҳитини жуда мудҳиш кўрсатиб, ҳозирги цивилизация сўзсиз экологик инқирозга олиб келади, деганлар; *оптимистик қарашлар* - фақат демократик (фуқаролар) жамияти ва эркин бозоргина экологик инқирознинг олдини олиши мумкин, деганлар.

Алармизм намоёндалари маълум бир ягона партияга бирлашмаганлар ва аниқ бир дунёқарашга ҳам эгамаслар, лекин экологик инқирозни олдини олишга бор куч ва билимларини сарф қилаётган олимлар, ишчилар, маиший-хизмат ва спорт соҳасида ишлайдиган турли касб соҳиблари бўлиб, улар "Гринпис", "Яшиллар партияси", "Кедр" каби оқимларга бирлашганлар. Уларнинг сони 10 дан ошиб кетган ва ўз сафларига 30 млн.дан ошиқ кишиларни бирлашгандирлар.

Алармизмчиларга яқин бўлган дунёқараш - *экологик инқироз сабаблари концепцияси*. Улар ҳам экологик инқирозни келиб чиқиш сабабларини илмий-техник тараққиёт ва аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиб кетиши деб биладилар. Цивилизация ва демографик портлаш экологик хавфсизлик даражасига тескари пропорционал равишдадир ва экологик инқироз ҳолатидан чиқиб кетиш учун демографик ҳолатни бошқариш ва табиий ресурсларга нисбатан аҳоли сонини уйғунлаштириш керак деганлар. Бундай тадбирларни олиб бориш ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари, табиий шароити ва ресурслари имкониятларига монанд равишда олиб борилиши кераклигини эътироф этадилар.

Илмий-техник революция ва демографик портлаш оқибатидан чиқиб кетишни тавсия қилувчи ғарб социологларининг *ҳаракатлар стратегияси* намоёндалари уч йўлни маъқул кўряптилар. Бу йўлдаги дунёқарашлар тизими: *табиатга аралашмаслик; муаммоси бор табиат қонунларига хужум қилиш ёки аралашши; атроф муҳитга кишиларни мослаштириш орқали кишилик жамиятини бошқариш*.

Табиатга аралашмаслик - концепциясини ҳаракатсизликлар стратегиясига киргизиш мумкин. Чунки, биринчидан, - экологик тизимларни

айрим ҳудуд ва минтақаларда бузилганлигига бефарқ, аралашмасдан қараб туриб бўлмайди. Иккинчидан, - Ер қуррасида яшаётган 6 млрд. аҳолини моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга мажбурмиз. Табиатга аралашмаслик принципини алоҳида бир муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар - биосфера қўриқхонаси ва қўриқхоналарда амалга оширса бўлади, лекин оммавий тарзда табиатдан ажралган ҳолда инсонларнинг ҳаётини тассавур қилиш қийиндир.

Муаммоси бор табиат қонунларига ҳужум қилишни ёқлаб чиқадиганлар фикрлари аралашмаслик концепциясидаги фикрларга қарама-қарши бўлиб, улар табиат қонунларини, илмий-техник революция ютуқларидан фойдаланилган ҳолда, инсон ҳаёти учун хизмат қиладиган даражада ўзгартиришни таклиф қиладилар. Афсуски бу оқим намоёндалари табиат қонунларини жамият қонунларидан аввал шакллангани, тирик организмлар эса ана шундай табиат жараёнлари орқали пайдо бўлганликлари ва ривожланганликларини инкор этиш, ҳозирги кўринишдаги тирик мавжудод (шулар қатори инсон)ларни генетик ўзгартириб юборишдир. Бундай ҳолат киноқўрсатувларда кенг намоёиш қилинаётган "мутант" одамларни ва ҳайвонларни юзага келтиради ва табиий тизимларни ишдан чиқаради.

Атроф табиий муҳитга кишиларни мослаштириш орқали экологик инқироздан чиқиб кетишни тавсия этаётганлар бир томонлама экологик тизимларни ташқи кучларга нисбатан қарши туриш (буферлик) ва ўз-ўзини тиклаш қонуниятларига ишонган ҳолда инсонларни ҳаракат доирасини шунга монанд равишда олиб боришни тавсия этсалар, иккинчи томондан кишиларни тарихан атроф муҳитга мослашиб боришининг эволюцион жараёнларини жадаллаштиришни ёқлаб чиқадиганлар. Бу концепция намоёндалари табиат қонунларини жамият қонунларига кўчиришга уринаётганлар десак муболаға бўлмайди. Афсуски бу қонунлар ҳозирги инсоният тарихи босқичида кўпинча бир-бирига зид ва бири иккинчисини инкор этиши мумкин. Масалан, атом энергиясидан кенг миқёсда фойдаланиш

ва космик тадқиқотларни чуқурлаштириш дастурлари экологик тизимларни сақланиш қонуниятлари билан зид бўлган ҳаракатлар тоифасига киради. Инсонларни ўзгараётган табиий муҳитга мослашиши революцион тарзда эмас эволюцион тарзда, табиий танлаш орқали амалга ошиши бу жараён эмас, балким қонуниятдир. Табиат инсоннинг бир бўлаги эмас, балким инсон табиатнинг бир бўлаги эканлигини ҳеч қачон инкор қилиб бўлмайди.

Ўсиш чегараси ва органик ривожланиш концепцияси намоёндалари Ер қурраси ресурслари имкониятларига монанд равишда, илмий-техник ва инсонларни ўсиш чегарасини белгилаш ёки бундай илмий асосланган ўсишни чегаралаш маълум бир регион (минтақа), ҳудуд ёки маъмурий чегарада амалга оширишни тавсия этади.

Афсуски, илмий-техник ривожланмасдан туриб ҳали бери тез суръатларда ўсиб бораётган аҳолини ҳаётини эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Илм-фанни "консервация" қилиш ва инсонларни ўсишини "ноль" вариантга тушириш 5-10 йиллик тадбир эмас. Бу жараён узоқ ва катта куч талаб қиладиган тадбирлардандир. Чунки бу масалани биринчи навбатда аҳолиси тез ўсиб бораётган ва мусулмон диний этиқоди кучли бўлган давлатларда амалга ошириш керак бўлади ва бу жуда мушкул ишдир. Лекин "Рим клуби" аъзоларининг модели (бунинг филиали "Тошкент клуби") жаҳон иқтисодиётининг маълум бир типдаги регионларда илмий-техник ютуқларни ҳаётга кенг тадбиқ қилиш ва оилани режалаштиришни шу ердаги иқтисодий, маданий, тарихий, маънавий ҳолат даражасига қараб туриб ўсиш ва органик ривожланишни чеклашни тавсия этадиганлар.

Глобал бошқарув концепцияси - атроф табиий муҳит компонентлари ягона бир тизимда ҳаракат қилади ва улар ажралмасдир деган ғояни олға сурувчилар. Шунинг учун ҳам атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш маълум бир ҳудуд ёки мамлакат доирасида эмас, балким халқаро миқёсда, бутун дунё ҳамжамиятининг биргаликдаги тадбири орқали амалга оширишини ёқлаб чиқадиганлар. Уларнинг намоёндалари табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун давлатлар устидан турувчи ягона

бир ташкилотни тузишни ва бу ташкилот нафақат бошқарув, балким назорат ваколатига эга бўлишини ёқлаб чиқадилар. Уларнинг фикрича, БМТнинг ЮНЕП, ЮНЕСКО, ВОЗ, МОП деган ташкилотлари, ҳозирги кунда фақатгина давлатларнинг экология борасидаги фаолиятини кузатадилар ва фактларни келтирадилар, дейдилар. Афсуски бундай оқим намоёндалари Ер куррасидаги ҳамма давлатларнинг суверен ҳуқуқи бўлмиш табиий ресурслардан ўз конунларига биноан фойдаланиш имкониятларини осонликча бериб қўймасликларини инобатга олишмаяпти. Лекин, бизнинг фикримизча, экологик глобал бошқарув тизимига инсоният олдинми ёки кечми албатта етиб боради. Чунки маълум бир жойдаги экологик инқироз (Орол денгизи муаммоси, Чернобил АЭС фалокати, Охота денгизининг радиоактив моддалар билан заҳарланиши) маҳаллий экологик инқироз эмас, балким глобал таъсир кучга эга бўлган инқироз эканлиги ҳаммамизга аёндыр.

Муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепцияси намоёндалари жамиятнинг экологик талабларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш талабларига мослатиришни таклиф қиладилар. Бу оқим қарашларини ривожланган "катта еттилик" давлатларида кенг тарғиб қилинаяпти. Ҳақиқатдан ҳам, бизнинг фикримизча¹, экологик тадбирлар - иқтисодлашгандир. Мисол тариқасида яна бир бор Орол денгизи муаммосига келиб тўхталамиз. Пахта яккаҳоқимчилигидан Ўзбекистонда олинган даромад (1960-1987 йй.), Орол денгизи ва унинг атрофидаги экологик инқирозни тугатишга кетадиган сарф-ҳаражатдан кўра 7-10 баробар камдир. "Экологик инқирозни олдини олиш,- дейди немис эколог олими Б.Гржимек,- унга қарши курашдан кўра доимо бир неча чандон арзонроқдир"².

Экологик революциялар концепцияси - сиёсий тузум ва кишиларни экологик дунёқарашларини кескин равишда - революцион йўл билан истеъмолчилик психологиясидан экологик талаблар доирасига ўтказиш. Аммо бу таклиф қанчалик яхши бўлмасин, бир қондани эсдан чиқармасликка

¹ Нигматов А.Н., Нигматова Г.Н. Атроф муҳофазасида иқтисодий механизм.// Иқтисод ва ҳисобот, 10-сон, 1997.

² Экологические очерки о природе и человеке. (Под ред. Б.Гржимека). - М.: Прогресс, 1988.

ундайди - кишилик жамиятида (табиатдаги сингари) революцион йўл билан бирон бир тадбирни амалга ошириш уларда салбий оқибатларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Лекин ҳозирги экологик инқироз ҳолати экологик онг, маданият, ўқув ва тарбияни кенг миқёсда ва жадал суръатларда олиб боришни таказо қилади. Акс ҳолда "табиатдаги тизимларни эволюцион ривожланишини орқага қайтариб бўлмайди" деган табиат қонуни ўзининг салбий кўринишларини сақлаб қолиши ва эски ижобий тизимни тиклаш имконияти бўлмаслиги мумкин.

Социалистик концепция асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан кенг таърифланган дунёқараш атроф табиий муҳит ҳолатини инобатга олиб жамият кучларини бир меъёрга режали ривожлантиришни ёқлаб чиқадиганлар. Албатта бу дунёқараш амалда (70 йил Совет тузуми ҳукм сурганда) ўз ифодасини топа олмади. Табиатни бирон бир мамлакатда режали муҳофаза қилиш ёки ундан фойдаланиш экологик ҳолатга эмас, балким иқтисодий -ижтимоий, сиёсий ҳолатга қараб олиб борилишини исбот қилди. Табиий ресурсларни аниқ ҳисобини олиш ва улардан режали фойдаланиш бирон бир ҳудуд ёки мамлакатда эмас, балким бутун бир регион ёки Ер қурраси бўйича глобал ҳолда амалга ошириш мумкин бўлади.

Юқорида санаб ўтилган экологик концепциялардан ташқари дунёнинг турли жойларида, турли дунёқарашга эга бўлган қарашлар тизимидаги партиялар, оқимлар, ҳаракатлар, кенгашлар, жамғармалар мавжуд. Лекин, бизнингча, *экологик концепция* - табиат қонунлари билан жамият қонунларини ўзаро уйғунлашган ва илмий асосланган ҳолда ривожланишини ёқлаб чиқадиган қарашлар тизимидир. Акс ҳолда бошқача қарашлар тизими ноэкологик концепциялар тизимига киради.

2.3. Экология ҳуқуқи манбаларининг тушунчаси, хусусиятлари ва тизими.

Ҳар бир фан, ҳуқуқ соҳаси ўз манбаларига эга бўлиб, ушбу манбалар асосида ривожланади.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишда ёрдам берадиган, қатнашадиган ҳуқуқий ҳужжатлар экология ҳуқуқининг манбаси сифатида қаралиши мумкин.

Экология ҳуқуқининг манбалари сифатида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат манба бўлиб хизмат қилмайди.

Экология ҳуқуқининг манбаси сифатида қаралаётган ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинганлиги;
2. Белгиланган доирада мажбурий аҳамият касб этиши;
3. Экологик қоида-талабларни белгилаши;
4. Расмий шакл, тузилиш, амал қилиш муддатлари ва бошқа атрибутларга эга бўлиши, ҳақозо.

Экология ҳуқуқининг манбалари – деганда атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишда хизмат қиладиган қонунчилик ҳужжатлари тушунилади.

Экологик муносабатларни тартибга солувчи конституциявий қоидалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари, Махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг

меъёрий ҳужжатлари йиғиндиси экологик қонунчилик ҳужжатлари тизимини ташкил этади.

Экология ҳуқуқининг манбалари кенг қамровли ижтимоий муносабатларни тартибга солиши учун ҳам уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. юридик кучи бўйича манбаларни қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларга бўлинади;

2. Экологик муносабатларни тартибга солиниши йўналишлари бўйича:

- табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш қонунчилиги;
- аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш қонунчилиги.

3. муносабатларни тартибга солиш предмети бўйича:

- умумий ва махсус экологик қонунчилик ҳужжатлари.

4. ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати бўйича моддий ва процессуал аҳамиятидаги қонунчилик ҳужжатлари;

5. қонунчилик ҳужжатларининг тизими бўйича оддий кодификациялашган манбалар;

6. қонунчилик ҳужжатларининг қўлланилиш доираси бўйича:

- ҳудудий-минтақавий
- республика миқёсида
- халқаро миқёсидаги манбалар ва ҳоказо.

Демак экология ҳуқуқининг манбалари экологик муносабатларни тартибга солишда табиий қонунлар ва жамият қонунчилиги ҳужжатларини мужассамлантирган ҳолда тартибга солади. Бу эса ўз навбатда экологик қонунчилик ҳужжатларининг ҳажмининг кўпайишига олиб келади.

Табиат-жамият тизимида ўзаро муносабатларни тартибга солишда бир томондан қонун, фармон, қарор, низом каби меъёрий ҳужжатлар, иккинчи томондан, ушбу қонун ҳужжатларини қўлланилишига ёрдам бериш ва давомийлигини таъминлашда экологик норматив, стандарт ва

йўриқномалар каби минглаб меъёрий-техник аҳамиятдаги ҳужжатлар қўлланилади.

Экология ҳуқуқининг манбалари бошқа ҳуқуқ соҳалари манбалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тамойиллари, усуллари, қоидаларини қўллашда умумийликка эгадир.

Лекин шунинг билан бир қаторда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, бошқа ҳуқуқ соҳалари қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан фарқ қилади.

Улар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, экология соҳасида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда табиий қонуниятлар устуворлигини эътироф этади, иккинчидан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда жамият-давлатнинг мавжуд барча восита ва тадбирларидан фойдаланади.

Экологик қонунчилик ҳужжатлари биринчидан, табиатнинг устувор қонунларини жамият-давлат қонунчилик ҳужжатлари билан мужассамлантиради, иккинчидан, табиатни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ва кафолатлашда бошқа ҳуқуқ соҳалари яъни конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи кабиларининг қонунчилик ҳужжатларини экологик масалаларни ҳал қилишга йўналтиради.

Демак, экология ҳуқуқининг манбалари атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнларда пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қонунчилик ҳужжатлари тизимидан иборатдир.

2.4. Экология ҳуқуқининг конституциявий асослари.

Экология ҳуқуқининг асосий манбаси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади.

Конституциямизда шахс, жамият ва давлатнинг ижтмоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳаларидаги асослари мустаҳкамланган бўлиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат-ҳуқуқий механизмнинг шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Конституцияда белгиланган қоидалар орқали жисмоний ва юридик шахслар экологик ҳуқуқ, бурчлари ва эркинликларини ифода этадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида табиат-жамият тизимидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи махсус қоида-талаблар ҳам белгиланган бўлиб, экология ҳуқуқи манбаларининг пойдеворини ташкил этади.

Асосий қонунимизнинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ экологик ҳуқуқий қоида-талаблар мустаҳкамландир.¹

Конституциямизнинг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” – деб, белгиланиб фуқароларнинг экологик мажбуриятларини конституция даражасида мустаҳкамлайди.

“Жамиятнинг иқтисодий негизлари” – деб, номланган XII-бобда, республикамиз ҳаётининг иқтисодий асослари яъни мулкчилик масалалари, хўжалик юритиш ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари белгиланиб, ҳозирги пайтда бозор муносабатларини ривожлантириш амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда аҳамияти беқиёсдир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т., “Ўзбекистон”, 1998 й.

Ушбу бобнинг 54-моддасида қуйидагича белгиланган: “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”.

Ушбу моддада биринчидан, мулк ҳуқуқининг мазмуни эътироф этилса, иккинчидан, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёнида экологик муҳитга зиён етказмаслиги яъни уларнинг экологик мажбуриятлари мустаҳкамланади.

Конституциянинг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур деб, ифодаланган бўлиб, давлат экологик сиёсатининг асосий тамойилларини ўз ичига олади.

Ушбу конституциявий қонуннинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мустақиллигимизни моддий асосини ташкил этувчи табиий бойликларининг ҳалқимизнинг бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан, табиий ресурслардан фақат оқилона фойдаланиш зарурлиги, учинчидан, республикамиз табиати давлат муҳофазасига олинганлиги, яъни экологик-ҳуқуқий муносабатларни давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни мустаҳкамлайди.

Асосий қонунимизнинг XX-боби, бағишланган бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган. Ушбу бобнинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ваколатларининг асосий йўналиши сифатида - атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби маъсулияти эътироф этилган.

Конституциядаги қоида талаблар экологик ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги асосий тамойилларни мустаҳкамлайди.

Хулоса

Ер куррасида юзага келаётган экологик нобоп муҳитнинг чуқурлашувида озми-кўпми Ўзбекистон Республикасининг иштироки бор. Истиқомат қилаётган 27 млн.дан зиёд аҳолининг ярмидан кўпроғи экологик хавфсиз бўлмаган муҳитда истиқомат қилмоқда. Орол денгизи ва унинг атрофида рўй берган экологик инқироз ҳолати Совет даврининг ноэкологик аграр ва иқтисодий сиёсатининг натижасидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз, шахсан Президент И.А.Каримов, экологик масалаларни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни лозим деб топмоқдалар¹.

XX аср охирига келиб Ўзбекистонда қуйидаги тактик ва стратегик йўналишлар ишлаб чиқилган: "2005 йилгача бўлган даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг Давлат дастури", "Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишнинг экологик таъминлашнинг миллий ҳаракатлар режаси", "Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракатлар дастури", "Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича миллий стратегия ва режа". Бу ҳужжатларда давлатимизнинг жамият ва табиат ўртасидаги муносабат шакли, ҳозирги кунда ва келажакда қандай бўлиши, Ўзбекистоннинг экологик концепцияси, мақсади ва принциплари белгилаб берилган. Экологик мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг тактик ва стратегик ҳаракатлар дастури ва йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий мақсади - кишиларнинг ҳаётини зарур бўлган экологик хавфсиз муҳитини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, яъни табиат билан жамият ўртасидаги иқтисодий -экологик муносабат шаклини қўллаш.

Биз биламизки, мустақиллик давргача Ўзбекистон ҳудуди Чор Россияга сўнгра, Совет Иттифоқининг хом-ашё етиштириб берадиган чекка ўлкаси

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.

бўлиб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам табиий ва минерал хом-ашё захираларидан максимал ҳолда экстенсив усулда фойдаланилган, яъни иқтисодий муносабат шаклда бўлган. Бундай тоталитар тузумдаги муносабат шаклидан бирданига экологик муносабат шаклига, жамиятда на иқтисодий, на ҳуқуқий, на ижтимоий-маданий асоси яратилмай туриб ўтишни, хаттоки назарий жиҳатдан ҳам амалга ошириб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси танлаган йўли табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни иқтисодий-экологик шакли, яъни босқичма-босқич экологик муносабат шаклга ўтишга асос бўлмоғи даркор.

29 август 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида"ги қонунида мамлакатимизнинг экологик концепцияси берилган бўлиб, унда куйидагиларга эътибор берилган¹:

- шахснинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган кишиларни соғлигини муҳофаза қилиш ва инсонларнинг турмуши учун оптимал ҳолатдаги экологик шароитларни яратиш бериш;

- жамиятнинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мўтадил экологик вазиятни ташкил этиш, аҳолининг соғлигини таъминлаш, жисмоний бақувват авлодни шакллантириш;

- давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари бўлган барқарор ривожланиш, минтақавий иқтисодий ҳолатни муътадиллаштириш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш.

Шундай қилиб Ўзбекистон учун ягона бўлган шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларидан бири - *экологик хавфсиз муҳит миллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлагидир*. Республикамиз экологик сиёсатининг асосий мақсадини бажармоқ учун органик ривожланиш билан бир қаторда муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепциясини қўллашни маъқул деб топган. Бу деган сўз шахс, жамият ва давлатнинг экологик

¹ Национальный доклад "О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан". -Т.: Chinor ENK, 1998.

талабларини минтақалар бўйича иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш талабларига мослаштириш керак.

И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" деган асарида ҳамда "2005 йилгача бўлган даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг Давлат дастури"да юқорида айтилган мақсад ва концепцияларни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- экологик технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. халқ хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча захарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Атмосфера ҳавоси ва сувларни инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш;

- қишлоқ хўжалик экинларини, энг аввало, ғўзани суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш. Коллектор-зовур сувларини дарёлар ва сув омборларига ташлашни тартибга солиш ва оқава сувларни чиқариб юборишни батамом тўхтатиш зарур;

- саноат корхоналарида атмосферага ҳавосига сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни ошириш даркор. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошланғич хом ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олганга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналарни ўрнатиш лозим;

- қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайтирилиши таъминланган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор;

- фойдали казилмалардан оқилона фойдаланиш керак. Бошланғич хом ашёдан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш даркор ва унинг учун эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва корхоналарни реконструкция қилиш асосида фойдали казилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона қазиб олиш муҳим вазифадир. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш (рекультивация қилиш) муҳим аҳамиятга эга;

- кенг майдонлардаги табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадли, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг сув-физик хусусиятларини яхшилаш, сув чиқариш тадбирларини ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириш) лозим;

- жонли табиатнинг хилма-хиллигини сақлаш, табиий генофондни маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак;

- қурилиш ва ободонлаштиришни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва аҳоли пунктларда экологик хавфсиз муҳитни таркиб топтириш;

- жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим;

- халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш - биринчи даражали вазифадир.

Экологик хавфсизликни таъминлаш ва юқорида айтиб ўтилган мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш учун "Табиатни муҳофаза қилишнинг Миллий Дастури"да қуйидаги принципларга амал қилишни тавсия этилган:

- давлат экологик ислохотларнинг йўлбошловчиси бўлмоғи даркор;
- экологик ҳаражатларни молиялаш ва унинг янги схемаларини жалб қилиш;
- макроиқтисодий ва соҳавий экологик сиёсатни такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг экологиялаштириш;
- атроф табиий муҳит сифатини яхшилаш мақсадини қўйиш ва стандартлаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг экологик талабларини чуқурлаштириш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасининг юқорида айтиб ўтилган экологик сиёсатини амалга оширувчи табиат ва жамият ўртасидаги муносабат шакли, табиат қонуниятларига жамият қонунларини мослаштириш, экологик чора-тадбирлар ва асосий танланган тамойилларнинг ҳаётга тадбиқ қилиш механизми ишлаб чиқилса ва амалиётда улар ўз тадбиғини топса, сўзсиз, бизнинг мамлакатимиз яқин келажакда экологик муносабат шаклига ўтиб олиши мумкин. Бундай сиёсат шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ҳаётий зарур бўлган миллий хавфсизлигини таъминлашда катта омил бўлиб хизмат қилишига ҳеч шубҳа йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва ривожланиш кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисо, сиёсат. мафкура. Т. 1. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Қаримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. И.А.Каримов. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. // Хафсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т.: Ўзбекистон, 2002.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4сон. — Т.: Адолат, 1993.
8. Вернадский В.И. Химическое строение биосферы Земли и ее окружения. - М: Наука, 1965.
9. Семенов С.А. Происхождение земледелия. - М.: Наука, 1974.
- 10.Меняющийся мир: географический подход к изучению. Советско-американский проект. Москва - Аризона, 1991.
- 11.Об охране окружающей среды. Сборник документов партии и правительства 1917-1981 гг. - М.: Политическая литература, 1981.
- 12.Реймерс Н.Ф. Надежды на выживание человечества. Концептуальная экология. -М.: ИЦ .
- 13.Мифы народов мира. Энциклопедия. № 1. - М.: Энциклопедия, 1991.

14. Нигматов А.Н., Нигматова Г.Н. Атроф мухофазасида иктисодий механизм.// Иқтисод ва ҳисобот, 10-сон, 1997.
15. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т., “Ўзбекистон”, 2010 й.
16. Меняющийся мир: географический подход к изучению. Советско-американский проект. Москва - Аризона, 1991.
17. Об охране окружающей среды. - М.: Политическая литература, 1981.
18. Мифы народов мира. Энциклопедия. № 1. - М.: Энциклопедия, 1991.
19. Нигматов А.Н., Нигматова Г.Н. Атроф мухофазасида иктисодий механизм.// Иқтисод ва ҳисобот, 10-сон, 1997.
20. Экологические очерки о природе и человеке. (Под ред. Б.Гржимека). - М.: Прогресс, 1988.
21. Национальный доклад "О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан". -Т.: Chinor ENK, 1998.